ОКТЯБРЬ ЧАҚИРИҚЛАРИ ХАЛҚИМИЗНИ МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИГА ИЛҲОМЛАНТИРМОҚДА

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 205 (2496). | 19 октябрь, шанба, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ПАРТИЯМИЗ НИДОСИ

Улуғ айём — Октябрь социалистик революциясининг шонли 46 йиллиги яқинлашмоқда. Бутун мамлакат, жаҳондаги прогрессив инсоният озод, бахтли ва эркин ҳаёт йўлини кўрсатиб берган Улуғ Октябрнинг тантанали кунларини нишонлашга зўр тайёргарлик кўрмоқда. Она-Ватанимизда меҳнат шавқи-завқи, миллионларнинг яратувчилик ишлари денгиздек мавж ураётган шу қувончли кунларда бутун мамлакатимиз бўйлаб ленинчи партиямиз Марказий Комитетининг жанговар ва илҳомбахш Чақириқлари қудратли овоз билан баралла янгради. Бу Чақириқлар ҳар бир совет кишисини янгидан-янги зафарларга, қурашга отлантирди, илҳомлантирди. Ҳар қачонгидай бугун ҳам ҳар бир меҳнаткашнинг қалбида, ҳар бир прогрессив инсон дилида:

— Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 46 йиллиги!

— Инсоният тарихида янги даврни — капитализмнинг емирилиши ва коммунизмнинг қарор топиши даврини очиб берган Улуғ Октябрга шон-шарафлар! деган ҳароратли хитоб ғурур ва ифтихор ҳисси билан янграмоқда.

Ҳа, Октябрнинг ғалабаси туфайли капитализмнинг зулм-заҳмат занжирлари тилка-пора қилиб ташланди. Октябрь туфайли инсоният тарихида янги давр — порлоқ ҳаёт даври бунёдга келди. Октябрь туфайли халқимиз илм-фан, маданият ва маърифатнинг битмас-туганмас чашмаларидан баҳраманд бўлди.

46 йил! Бу асрларга, замон-заманларга тенг йилларди. Ана шу қисқа вақт ичида Ватанимиз жаҳонда энг қудратли ва тенги йўқ кучли давлатга айланди. Советлар Иттифоқи — тинчликнинг, халқлар дўстлиги ва бирлигининг ишончли таянчига, миллий мустақиллик, ўз эркин ва озодлиги учун курашаётган халқларнинг умид-орзусига айланди. Барча халқлар Совет давлатининг ленинча доно ташқи сиёсатини қўллаб-қувватламоқдалар.

Улуғ Октябрь туфайли чор Россиясининг қолоқ ўлкалари илғор, гуллаб-яшнаётган республикаларга айланди. Ўзбекистонимиз эндиликда Иттифоқимизнинг шарқдаги порлаб турган машъал республикаси ҳисобланади. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлиги ва доимий ғамхўрлиги натижасида республикамиз саноати, қишлоқ хўжалиги ва маданияти мисли кўрилмаган даражада юксалишга кўтарилган ўлкага айланди. Саноатнинг хилма-хил соҳалари вужудга келтирилди. Қишлоқ хўжалиги кенг миқёсда машиналаштириб борилмоқда. Бепоён далаларимизда даққи-юнусдан қолган омоч бўйин-туруқлар ўрнида қудратли техника ва хилма-хил машиналар жавлон урапти, деҳқончилик маданияти оширилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, айниқса, пахта етказиб бериш йил сайин кўпайтирилмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқлари барча совет кишиларини, жумладан областимиз меҳнаткашларини янги зафарларга чорламоқда. Ҳар бир колхоз ва совхоз, ҳар бир саноат корхонаси, колхозчилар, ишчилар ва интеллигентлар Улуғ Октябрни муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олишга тайёрланмоқдалар. Улуғ айём арафасида қишлоқ ва шаҳарлардан қувончли ғалаба рапортлари келмоқда. Илғор хўжаликлар пахта тайёрлаш планларини ошириб бажардилар. Пешқадам саноат корхоналарининг аъзоларининг ноябрь ойи ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

— Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Умумхалқ социалистик мусобақасини кенг қулоч ёйдирайлик! Етти йиллик бешинчи йили планини муддатидан олдин бажарайлик!

Пахта — миллий бойлигимиз ва ифтихоримиздир. Пахта учун кураш, она-Ватанга кўпроқ «оқ олтин» етказиб бериш — ҳар биримизнинг ватанпарварлик бурчимиз, шарафли ва муқаддас вазифамиздир.

Ана шу шиор, мақсад ва истак йўлида меҳнат қилаётган областимиз пахтакорлари давлат омборларига шу кунгача 250 минг тонна «оқ олтин» тўқдилар. Маррага томон тобора яқинлашмоқдамиз. Биз бу ютуқларни мустаҳкамлашимиз керак. Шу кечаю кундузда ҳар биримиздан ғайраттшижоат билан меҳнат қилиш, барча куч ва имкониятларни теримр та тўла сафарбар этиш, пахта тайёрлаш суръатини ҳеч бўшаштирмасдан давом эттириш талаб этилади. Улуғ Октябрнинг шонли кунини пахта тайёрлаш планини бажариш билан кутиб олиш — областимиз пахтакорларининг жанговар шиори бўлмоғи керак!

— Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш планларини ҳамда социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажарган қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига шон-шарафлар бўлсин!

— Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари! Суғориладиган ерларни бутун чоралар билан кенгайтирингиз, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун суғориладиган ерларнинг бой имкониятларидан яхши фойдаланингиз!

Партиямиз Марказий Комитети дон етиштиришни кўпайтиришни асосий вазифа қилиб қўйди. Ўзбекистон комсомоллари ажойиб ватанпарварликташаббуси кўрсатиб, суғориладиган ерларда гектаридан 100 центнердан дон ҳосили олиш учун кураш бошладилар. Комсомол ва ёшларимизнинг бу ажойиб ҳаракатини кенг қанот ёйдириб, ҳам пахта, ҳам дон етиштиришни йил сайин кўпайтириш учун курашайлик, бу бизнинг муқаддас бурчимиз бўлсин!

Партиямиз Марказий Комитети саноат ходимларини етти йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш ва коммунизмнинг моддий-техника базасини тезроқ вужудга келтиришга чақирмоқда. Химия саноатини ривожлантириш партиямизнинг бош йўли бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам партия Марказий Комитети химия саноати ходимларига мурожаат қилмоқда: уларни қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш мақсадида минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларини ишлаб чиқаришни кескин суръатда қўлайтириш учун курашга чақирмоқда, химия корхоналарида янги қувватларни тезроқ ишга тушириш ва ўзлаштириш учун курашга ундамоқда. Областимизнинг химия саноати ходимлари бу Чақириққа амалий иш билан жавоб беришлари керак.

— Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Бутун кучни КПСС Программаси, партия XXII съездининг қарорларини бажаришга сафарбар этингиз!

КПСС Марказий Комитети барча касб ва ҳунар эгаларини, фан ва олий ўқув юртларининг ходимларини, адабиёт ва санъат арбобларини, матбуот, радио ва телевидение, нашриёт ва маданий-оқартув муассасалари, медицина, халқ маорифи, касаба союзлари ходимларини, комсомол ва ёшларни — бутун совет кишиларини коммунистик қурилишнинг янгидан-янги ғалабаларига чорламоқда.

Улуғ Октябрнинг 46 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олайлик. Коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида умумхалқ социалистик мусобақасини кучайтириб, ижодий ва яратувчилик меҳнатида янги зафарларга эришайлик.

— Яшасин Ленин тузган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

— Яшасин ер юзида барча халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодатни барқарор қилувчи коммунизм!

ЛУБКОРЛАР МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРДИЛАР

КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан руҳланган область лубкорлари ҳозирги кунга қадар канап жут заводларига пландан ташқари 20280 тонна канап пояси етказиб бериб, зиммага олган мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Давлатга ҳаммаси бўлиб 250280 тонна канап пояси топширилди.

Бу соҳада, айниқса, Юқори Чирчиқ хўжаликлари эришган кўрсаткичлар яхши бўлди. Бу бошқарма бўйича ҳар гектар ердан ўртача 151,1 центнердан канап пояси олиниб, план 108,3 процент бажарилди.

Оққўрғон бошқармасида эса ҳар гектар ердан олинган ҳосил 114 центнерданга етди ва план 108,8 процент адо этилди. Ўрта Чирчиқ бошқармаси лубкорлари эса планни 155 процентдан оширдилар.

Шундай қилиб, областнинг лубкор хўжаликлари канап пояси етиштириш жиҳатидан етти йилликнинг охирига белгиланган план даражасига етиб олдилар.

Лубкор хўжаликлар ўз имкониятларини ҳисобга олиб, мажбуриятдан ташқари яна 15 минг тонна канап пояси топширишга бел боғладилар.

Улуғ Октябрнинг 46 йиллиги шарафига

ЦЕХ ИЛҒОРЛАРИ

Тошкентдаги 2-силикат-керамика заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари Октябрь байрами шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб сентябрь ойи планини муддатидан олдин 108,7 процент ado этишган эди. Энди улар октябрь ойи планини ҳам янги ютуқлар билан якунлаш учун курашмоқдалар.

Корхонада 30 йилдан бери меҳнат қилаётган К. Туробов бошлиқ бадиий керамика цехи аъзолари шу кунларда ойлиқча зўр ғайрат билан ишлашяпти. А. Қаюмов, К. Алимов, М. Мақсудова, М. Юсупалиева каби илғорлар кунлик нормаларини 120-130 процентдан ado этиб бошқаларга намуна бўлишмоқда.

Х. ТЎЙЧИЕВ.

ШОФЕРЛАР ҲИССАСИ

Оҳангаронда кўмир саноати корхоналари коллективлари «Средазуголь» комбинати автобазасида меҳнат қилаётган шоферлар ғайратидан мамнун. Чунки улар йил бошидан бери планга нисбатан 242 минг тонна кўп юкни жойларга муддатидан олдин етказиб беришди.

Н. КОБЗЕВ.

ЎҒИТ—МЎЛ-ҚЎЛЧИЛИК МАНБАИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ВЦСПСНИНГ 1963 ЙИЛ 15 ОКТЯБРДАГИ ҚАРОРИ

МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН ЯНГИ ҚУВВАТЛАРНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ИШГА ТУШИРИШ ВА УЛАРНИ ТЕЗРОҚ ЎЗЛАШТИРИШ ҲАҚИДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

ТЕЗРОҚ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ АВЖ ОЛДИРИШ ТЕЗЛИГИНИ ОШИРИШ ҲАҚИДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН ЯНГИ ҚУВВАТЛАРНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ИШГА ТУШИРИШ ВА УЛАРНИ ТЕЗРОҚ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ АВЖ ОЛДИРИШ ТЕЗЛИГИНИ ОШИРИШ ҲАҚИДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

«СТАВРОПОЛЬХИМСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ, БЕЛОРУССИЯ ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИГА ҚАРАШЛИ 11-ТРЕСТНИНГ, СССР МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ДАВЛАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМИТЕТИ МОНТАЖЧИ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ, ЛЕНИНГРАД ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ КЕНГАШИГА ҚАРАШЛИ КИНГИСЕПП ФОСФОРИТ КОНИНИНГ, ШИМОЛИЙ КАВКАЗ ВА БЕЛОРУССИЯ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ КЕНГАШЛАРИГА ҚАРАШЛИ НЕВИННОМИССК ВА ГРОДНО АЗОТЛИ ЎҒИТ ЗАВОДЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕРЛАРИ, ТЕХНИКЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИ ДОН ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИН ЭКИНЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРМОҚ УЧУН МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ВА ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХИМИЯВИЙ ВОСИТАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ КАТИГ ЖАВОБАН ҚИММАТЛИ ТАШАББУС БОШЛАБ БЕРДИЛАР — МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН ЯНГИ ҚУВВАТЛАРНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ИШГА ТУШИРИШ ВА УЛАРНИ ТЕЗРОҚ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА БОШЛАШНИ ТАКЛИФ ҚИЛДИЛАР.

БИНОКОРЛАР, МОНТАЖЧИЛАР ВА ХИМИКЛАРНИНГ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚИБ, ҚУЧЛАР ВА МОДДИЙ РЕСУРСЛАРНИ ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОБЪЕКТЛАРГА ТЎПЛАШ, МАВЖУД РЕЗЕРВЛАРДАН ЭНГ ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНИШ ҲИСОБИГА 1963—1965 ЙИЛЛАРДА ЙИЛИГА 2,5 МИЛЛИОН ТОННАГА ЯҚИН МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН ҚУВВАТЛАРНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ИШГА ТУШИРИШ ВА УЛАРНИ ЭНГ ҚИСҚА МУДДАТЛАР ИЧИДА ТЎЛА РАВИШДА ЎЗЛАШТИРИШ МАЖБУРИЯТИНИ ОЛДИЛАР.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ВЦСПС БИНОКОРЛАР, МОНТАЖЧИЛАР ВА ХИМИКЛАРНИНГ БУ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИНИ ХАЛҚ ТАШАББУСКОРЛИГИНИНГ БИР КЎРИНИШИ ВА НАТТА ДАВЛАТ АҲАМИЯТИГА ЭГА БЎЛГАН ТАШАББУС, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИЛАР. БУ ТАШАББУС ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАНИ ҲАЛ ҚИЛИШГА — МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕҲҚОНЧИЛИКНИ ХИМИЗАЦИЯЛАШ АСОСИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИН ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҲАМДА ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИШГА ВА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ҲАМДА ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ХИМИЯВИЙ ВОСИТАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН КОРХОНАЛАР ВА ҚУРИЛИШЛАРНИНГ, ХИМИЯ МАШИНАСОЗЛИГИ ЗАВОДЛАРИНИНГ, ЛОЙИҲАЛАШ ВА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ОРАСИДА КЕНГ ЁЙИШГА АРЗИЙДИГАН ТАШАББУСДИР.

МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН ЯНГИ ҚУВВАТЛАРНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ИШГА ТУШИРИШ ВА УЛАРНИ ТЕЗРОҚ ЎЗЛАШТИРИШ СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ВЦСПС ҚАРОР ҚИЛАДИЛАР:

1. РСФСР Қурилиш министрлигига қарашли 31-қурилиш трести ва «Ставропольхимстрой» трестининг, Белоруссия ССР Қурилиш министрлигига қарашли 11-трестнинг, СССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари давлат ишлаб чиқариш комитетининг монтажчи ташкилотларининг, Ленинград Халқ хўжалиги кенгашига қарашли Кингисепп фосфорит конининг, Шимолий Кавказ ва Белоруссия Халқ хўжалиги кенгашларига қарашли Невинномисск ва Гродно азотли ўғит заводларининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини оширмоқ учун минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш химиявий воситаларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг катига жавобан қимматли ташаббус бошлаб бердилар — минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган янги қувватларни муддатидан олдин ишга туширишда ва уларни тезроқ ўзлаштириш учун социалистик мусобақа бошлашни таклиф қилдилар.

Бинокорлар, монтажчилар ва химикларнинг коллективлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, қучлар ва моддий ресурсларни ишга туширилиши ҳал қилувчи объектларга тўплаш, мавжуд резервлардан энг тўлиқ фойдаланиш ҳисобига 1963—1965 йилларда йилига 2,5 миллион тоннага яқин минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган қувватларни муддатидан олдин ишга тушириш ва уларни энг қисқа муддатлар ичида тўла равишда ўзлаштириш мажбуриятини олдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС бинокорлар, монтажчилар ва химикларнинг бу ватанпарварлик ташаббусини халқ ташаббускорлигининг бир кўриниши ва натта давлат аҳамиятига эга бўлган ташаббус, деб ҳисоблайдилар. Бу ташаббус қишлоқ хўжалигидаги асосий вазифани ҳал қилишга — мамлакатимизда деҳқончиликни химизациялаш асосида қишлоқ хўжалин ишлаб чиқаришни янада юксалтиришни таъминлашга қаратилган ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватланишга ва минерал ўғитлар ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилувчи химиявий воситалар ишлаб чиқараётган корхоналар ва қурилишларнинг, химия машинасозлиги заводларининг, лойиҳалаш ва илмий тадқиқот ташкилотларининг коллективлари орасида кенг ёйишга арзийдиган ташаббусдир.

Минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган янги қувватларни муддатидан олдин ишга тушириш ва уларни тезроқ ўзлаштириш совет халқининг фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС ҚАРОР ҚИЛАДИЛАР:

1. РСФСР Қурилиш министрлигига қарашли 31. қурилиш трести ва «Ставропольхимстрой» трести, Белоруссия ССР Қурилиш министрлигига қарашли 11. трест, СССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари давлат ишлаб чиқариш комитетининг монтажчи ташкилотлари, Ленинград Халқ хўжалиги кенгашига қарашли Кингисепп фосфорит кони, Шимолий Кавказ ва Белоруссия Халқ хўжалиги кенгашларига қарашли Невинномисск ва Гродно азотли ўғит заводлари коллективларининг ташаббуси маъқуллансин. Бу коллективлар минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни муддатидан илгари ишга тушириш ва уларни тезлинда ўзлаштириш учун социалистик мусобақани авж олдиришга даъват этдилар.

2. Иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига, иттифоқчи республикалар Министрлар Советларига, халқ хўжалиги кенгашлари, министрликлар ва бошқармаларга, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига қуйидагилар тавсия этилсин:

Бу ташаббус бутун чоралар билан қўллаб-қувватлансин ва минерал ўғитлар ва улар учун хом ашё ишлаб чиқарувчи объектларни қураётган қурилиш ва монтаж ташкилотларида ҳамда корхоналарда қувватларни муддатидан илгари ишга тушириш ва уларни тезликда ўзлаштириш учун, машинасозлик заводларида — машина-ускуналар ва аппаратлар тайёрлаш муддатларини қисқартириш ҳамда уларнинг сифатини яхшилаш учун, лойиҳалаш ташкилотларида — техника ҳужжатлари бериш муддатларини қисқартириш ва лойиҳа ҳамда сметаларнинг сифатини ошириш учун социалистик мусобақа кенг авж олдирилсин;

Бу қаракатга зарур ёрдам кўрсатилсин, қурилиш ишларини ташкил этиш ва қурилишларни материал-техника билан таъминлашдаги мавжуд камчиликлар оператив суратда бартараф қилинсин, мусобақанинг бориши матбуотда, радио ва телевиденеда доим ва кенг ёритиб борилсин, олган мажбуриятларини муваффақиятли бажараётган илғор қурилишлар, илғор корхоналар ва илғор лойиҳалаш ташкилотларининг тажрибалари умумлаштирилсин ва ёйилсин.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС ишчиларни билдириб айтадиларки, қурилиш ва монтаж ташкилотлари ҳамда корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари бу мурожаатни қўллаб-қувватлайдилар, минерал ўғитлар ва улар учун хом ашё ишлаб чиқарадиган янги қувватларни муддатидан илгари ишга туширишда ва уларни тезликда ўзлаштириш учун курашни кенг миқёсда авж олдирадилар, ишлаб чиқариш соҳасида янги муваффақиятларга эришадилар ва қишлоқ хўжалигини тез суръатлар билан юксалтириш йўлидаги умумхалқ курашига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ — ВЦСПС

ПАХТА ВА ДОН БИР-БИРИГА ҚАДРДОН

—Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг суғориладиган ерларда ғаллани кўпайтириш ҳақидаги кўрсатмаси,— дейди «Тошкент ҳақиқати» газетасининг мухбири билан бўлган суҳбатда қишлоқ область комсомол комитетининг секретари Ўртоқ Б. Тошхўжаев,— областимиз комсомол ёшларининг ғайратига ғайрат қўшди. Ёшларимиз жонажон Ватанимизнинг янада кучли ва бой-бадавлат бўлиши учун бир кучларига ўн куч қўшиб ишлашга тайёр эканликларини изҳор қилмоқдалар.

Бизнинг ёшларимиз партия ва ҳукумат чақириқларига доимо амалий иш билан жавоб бериб, меҳнатда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Ҳозирги вақтда областимизнинг минг-минглаб ёшлари пахта йиғим-теримида, ғалла ўримида фаол қатнашиб, ўзларига топширилган ишчи сидқидиллик билан бажаришяпти. Айниқса бу йилги иш чакки бўлмади. Пахтадан, ғалладан мўл ҳосил етиштиришда катта ғалаба қўлга киритилди. Областимизнинг комсомол-ёшлари маккажўхори бригадаларини ўз оталикларига олиб, ажойиб ташаббус кўрсатдилар. Жуда кўп колхоз ва совхозларда комсомол-ёшлардан иборат бригада ва звеноларр тузилди. Бундай бригадаларнинг сони областда 134 тага етди. Шулардан 77 таси комплекс-механизациялашган бригадалар эди. Бу бригадаларда ҳаммаси бўлиб 1397 комсомол-ёшлар меҳнат қилишди.

Шуниси қувончлики ёшларимиз ғалла хирмонларини кўпайтиришда, чорва молларига мустаҳкам озуқа базаси яратишда ҳормай-толмай меҳнат қилишди.

Ҳа, ёшларимиз меҳнатда ном чиқардилар. Улар аҳиллик билан ишлашиб кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлишди. Ана шулардан бири Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Свердлов номли колхозининг ўртоқ Низом Исломов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасидир. Бригада аъзолари 60 гектар ерга силосбоп маккажўхори экишиб, ҳар гектар ердан 800 центнердан кўк поя етиштиришга сўз беришганди. Улар ваъдаларининг устидан чиқиш учун тинмай меҳнат қилишди. Маккажўхори ўз вақтида парвариш қилиниб, яхши озиқлантирилди. Натижада ҳар гектар ердан 1240 центнерга етказиб, поя олинди. 40 гектар ерга экилган маккажўхорининг ҳосили ҳам чакки бўлмади. 35 ўрнига 50 центнердан дон олинди.

Шу бошқармага қарашли «Полярная звезда» колхозидаги ўртоқ Александр Цой бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасида ҳаммаси бўлиб 12 киши ишлади. Будар экинга кеҳр қўйишди. Ҳар қарич ердан кўпроқ дон етиштиришга ҳаракат қилишди. Йил бўйи тер тўкиб қилинган меҳнат ўз самарасини кўрсатди. Бригада ерларида ҳосил мўл бўлди. Ҳар гектар ердан 31 центнердан нўхат олинди. Бу колхознинг бошқа бригадаларида етиштирилган ҳосилга нисбатан анча кўпдир. Бригада ёшлари 30 центнер ўрнига 36 центнердан маккажўхори дони етиштириб мажбуриятларини ҳам ошириб бажаришга муваффақ бўлишди.

Янгийўлдаги Калинин номли колхознинг аъзоси машҳур маккажўхорикор, республика Олий Советининг депутати, область комсомол комитетининг аъзоси Роза Отабоева бошлиқ ёшлар бригадасининг Ватан хирмонига тўккан ғалласи ҳақида гапирмасдан бўлмайди. Бригада ёшларининг маккажўхоридан олган ҳосили гектар бошига 50 центнерданга тўғри келди. Улар ҳар гектар ердан 1600 центнердан силосбоп маккажўхори пояси ҳам етиштирдилар.

Роза ўзи бошлиқ бўлган бригадада мўл дон етиштириш билан кифояланиб қолмади. Эришган тажрибаларини ўз касбдошларига ҳам ўргатди. Маккажўхорикорларнинг сафини кенгайтиришга ҳаракат қилди. Область комсомол комитети Ўртоқ Отабоева бошлиқ бўлган бригада базасида илғор маккажўхорикорларнинг тажрибасини оммалаштириш мактаби ташкил қилди. Бу мактабда Янгийўл, Ўрта Чирчиқ, Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли маккажўхорикор комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиқлари ўқиб таълим олдилар, амалий машғулотлар ўтказдилар. Шулардан бири Янгийўлдаги Жданов номли колхозинг аъзоси Фаридахон Холмирзаева эди. У илғор маккажўхорикорлар мактабига келмасдан олдин қишлоқ клубининг мудираси эди. У Роза Отабоевадан ва унинг бригадаси аъзоларидан кўп нарсани ўрганди. Кейин клуб мудирлиги вазифасидан воз кечиб, 40 гектар ерда комсомол-ёшлардан иборат бригада тузиб унга ўзи бошчилик қилабошлади.

Калинин ишлаб чиқариш бошқармаси комсомол комитети ҳузурида тузилган ёш маккажўхорикорлар кенгашининг мўл ҳосил етиштиришда олиб борган иши айниқса диққатга сазовордир. Кенгаш аъзолари маккажўхорикорларнинг ишидан кўз-қулоқ бўлиб туришди. Экинни парвариш қилиш, озиқлантириш, суғориш ишлари юзасидан тез-тез рейдлар ташкил қилиб турдилар. Ёшларнинг ҳосил етиштиришдаги ютуқлари кенг оммалаштирилиб, йўл қўйилган камчиликларни тугатишда уларга амалий ёрдамлар берилди.

Бу йил областимизда Люба Лининг сафдошлари 15 кишига кўпайди. Улар шу йилнинг ўзидаёқ маккажўхоридан кўп дон етиштиришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб, зиммаларига олган мажбуриятларини ортиги билан бажардилар.

Лекин ҳамма комсомол-ёшлар бригадалари ҳам мўл ҳосил етиштиришда юқори кўрсатичга эришмадилар. Айрим бригада бошлиқлари йил бошида катта мажбуриятлар олиб, уни бажаришда ташаббус ва ғайрат кўрсатмадилар. Уларда ташкилотчилик қобилияти етишмади. Ана шунинг учун ҳам ҳосил кам бўлди. Масалан, Янгийўлдаги «Ленинград» колхозининг ўртоқ Холматов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасида 45 гектар ернинг ҳар гектаридан бор-йўғи 10 центнердан маккажўхори дони етиштирилди. Юқори Чирчиқ, Бўка, Бекобод ишлаб чиқариш бошқармалари, комсомол комитетлари ҳам илғор комсомол-ёшлар бригадаларининг эришган бой тажрибаларини пропаганда қилишда кўнгилдагидек иш қилмадилар.

Агар комсомол ташкилотларимиз ички резервлардан тўла фойдаланганларида Ватан хирмонига янада кўп, ками билан 1,5 миллион пуд қўшимча равишда дон тўккан бўлар эдилар.

Энгдиги асосий вазифа йўл қўйилган камчиликларни дарҳол тузатишдан иборатдир. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг маслаҳатларига амал қилиб, областимизда пахта билан бир қаторда мўл ғалла етиштириш чораларини кўриш энг муҳим вазифа ҳисобланади. Областимиз меҳнаткашлари келгуси йилда бу йилга нисбатан кам деганда 3 баравардан кўпроқ дон етиштиришлари керак. Бу ишни амалга оширишда комсомол-ёшларимизнинг ҳиссаси ҳам катта бўлади.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг республикамиз ёшларига қарата ёзган табрик Хатидан илҳомланган областимизнинг ёшлари ғалла майдонларини янада кенгайтириб, суғориладиган ерлардан икки марта ҳосил олиш, яъни юз центнердан дон етиштириш юзасидан ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олмоқдалар.

МАМЛАКАТИМИЗ САНОАТИ ЮКСАЛИШДА

Саноат ходимлари КПСС XXII съездининг қарорларини амалга ошира бориб ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қирқ олти йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашиб 1963 йил III квартали ва тўққиз ойи планини муваффақиятли суратда бажардилар. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси шу тўғрида хабар берди.

Шу йилнинг тўққиз ойи ичида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 8,7 процент кўпайди. Шу билан бирга химия саноатининг маҳсулоти 17 процент, шу жумладан синтетик смола ва пластмассалар 25 процент, қора ва рангли металлургия маҳсулоти 9 процент, ёқилғи ва энергетика саноатининг маҳсулоти 10 процент, машинасозлик ва металл ишлаш саноатининг маҳсулоти 14 процент, бинокорлик материаллари саноати маҳсулоти 8 процент, енгил саноат маҳсулоти ва маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш 4 процент, озиқ-овқат саноатининг маҳсулоти 7 процент ортди.

Деярлик барча халқ хўжалиги кенгашлари ва иттифоқчи республикаларнинг саноати умуман маҳсулот чиқариш ва энг муҳим буюмларнинг кўпчилигини ишлаб чиқариш тўққиз ойлик планини ошириб бажарди.

Тўққиз ой ичида жумладан, 14,2 миллион тонна минерал ўғит, 226 минг тонна сунъий ва синтетик тола ишлаб чиқарилди, 43,6 миллион тонна чўян, 59,6 миллион тонна пўлат эритилди, 46,3 миллион тонна прокат, 927 миллион метр пўлат труба, 103 миллион тонна темир рудаси, 152 минг тонна нефть, 65,5 миллиард кубометр газ, 397 миллион тонна кўмир тайёрланди, 273 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.

Марказий статистика бошқармаси газлама, пойафзал, радиоприёмниклар, телевизорлар, холодильниклар ва халқ истеъмол қиладиган бошқа товарлар ишлаб чиқариш ҳам ортиб борганлигини хабар қилади.

3,1 миллион тонна гўшт (давлат хом ашё ресурсларидан), 665 минг тонна мол ёғи (давлат хом ашё ресурсларидан), 7,4 миллион тонна қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти сутга айлантириб ҳисоблаганда (колхозлар ишлаб чиқарганидан ва аҳоли рўзғорда ишлаб чиқарганидан ташқари) тайёрланди, 3,8 миллион тонна балиқ ва денгиз ҳайвонлари овланди.

Саноатда меҳнат унумдорлиги 6 процент кўпайди, яъни планда мўлжалланганидан ошиқ бўлди. Тўққиз ой ичида маҳсулотнинг таннархини камайтириш юзасидан берилган топшириқ ошириб бажарилди, пландан ташқари 400 миллион сўмдан кўпроқ маблағ тежалди. Саноатда жамғармалар ҳам ошди. Аммо, кўпгина корхоналарнинг жамғариш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳ

ЛЕНИНЧА МИЛЛИЙ СИЁСАТ ТАНТАНАСИ

УЛУР ОКТЯБРНИНГ 46 ЙИЛЛИГИГА

Бизнинг мамлакатимизда миллий зулмнинг барча ва ҳар қандай шаклари тамомила тугатилганлиги, социализм ва коммунизм қуриш жараёнида Ватанимиздаги ҳамма миллат ва элатларнинг озодлиги, тенг ҳуқуқлиги ва қардошларча дўстлиги қарор топганлиги Улуғ Октябрь социалистик революциясининг энг катта ютуқларидан бири бўлди.

Улуғ Ленин марксизм тарихида биринчи марта партиянинг миллий масалага доир назарий программасини ишлаб чиқди ҳамда унинг бу соҳадаги сиёсатини илмий равишда асослаб берди. Шу билан бирга, Владимир Ильич Ленин миллий масала ишчилар синфининг пролетариат диктатураси учун олиб борадиган умумий революцион курашининг таркибий қисми эканлигини ҳам кўрсатди. Ленин халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва дўстлиги сиёсатининг илҳомчиси бўлди ҳамда шу доно сиёсатнинг амалга оширилишига бевосита раҳбарлик қилди.

Совет Иттифоқининг тажрибаси социалистик революция мазлум халқларнинг озодликка чиқишлари ва равнақ топишларида, миллий суверенитетни қўлга киритишда энг тўғри йўл очишини кўрсатувчи ёрқин далилдир. СССРнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, иқтисодий ҳамда маданий жиҳатдан орқада қолган мазлум халқлар социалистик тузум туфайли азоб-уқубатли капиталистик босқични четлаб, бевосита социализмга ўтиш, саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам йирик замонавий социалистик ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маданиятни тез ривожлантириш имкониятига эга бўлдилар.

Миллий совет республикаларининг ҳаётига доир жуда кўп мисоллар буни тўла тасдиқлайди. Чунончи, чор ҳокимияти вақтида Туркистон ўлкаси чор Россиясининг қолоқ, аграр ҳомашё манбаи ҳисобланиб, бу ерда саноат деярлик йўқ эди. Ҳатто миҳ ҳам узоқ жойлардан ташиб келтириларди.

Эндиликда Ўзбекистоннинг бир ўзидагина саноатнинг юздан ортиқ тармоғи бор. Мингдан кўпроқ йирик корхоналар ишлаб турибди. Ҳозирги вақтда республикамиз ўз саноат маҳсулотларини 50 дан ортиқ мамлакатга, шу жумладан 13 та ҳорижий Шарқ мамлакатига чиқармоқда.

Ўрта Осиё республикаларининг энергетика билан кенг қўламда таъминланганликлари улар экономикасининг тобора юксалишига олиб келяпти. Ўзбекистонда ҳозир электр қуввати 1913 йилдагига нисбатан 2.060 марта, революциядан аввалги бутун Россиядагига қараганда 3 ярим марта кўп ҳосил қилинмоқда. Аҳоли жон бошига электр қуввати ҳосил қилишда Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар Ғарбдаги бир қатор капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетдилар. Бу республикаларда Туркия, Эрон, Бирлашган Араб Республикаси, Сурия, Афғонистон, Ироқ, Покистонни бирга қўшиб ҳисоблаганда, уларга нисбатан уч баравардан зиёд электр қуввати ҳосил қилиняпти.

Жуда катта газ кони базасида кейинги йилларда республикамизда газ саноати ривожланиб бормоқда. Ҳозирги вақтда шаҳар ва қишлоқларни газ билан таъминлаш соҳасида катта тадбирлар амалга оширилаётир. Ҳадемай, Ўзбекистон газини қўшни республикалар ва Россия Федерацияси ола бошлайди.

Ўзбекистон ССР саноати асосий кўрсаткичлар бўйича етти йиллигининг контроль рақамларидан ўзиб кетди. Ўтган йилиёқ саноат маҳсулотининг бир қанча энг муҳим турларини ишлаб чиқаришда 1965 йилга мўлжалланган даражага етиб олинди.

Ўрта Осиё республикаларининг қишлоқ хўжалигида ҳам чинакам революцион ўзгаришлар бўлди. Майда ва қолоқ якка хўжаликлардан иборат бўлган қишлоқ хўжалиги замонавий техника билан таъминланган ва илғор агротехника фани асосида иш олиб бораётган, кўптармоқли хўжаликка айланди. Эндиликда Ўзбекистоннинг бир ўзида ишлатилаётган қишлоқ хўжалик машиналарининг миқдори Яқин ва Ўрта Шарқнинг ҳамма мамлакатларидаги мавжуд қишлоқ хўжалик машиналаридан кўплик қилади.

Ўрта Осиё республикалари пахта, қанд лавлаги ва бошқа маҳсулотлар етиштиришда мамлакатнинг энг йирик базаси бўлиб қолди. Етти йилликнинг ўтган тўрт йили ичида республикамиз Ватанга шундан аввалги тўрт йилдагига қараганда 210 минг тонна ортиқ пахта берди. Бу йил Ўзбекистон пахтакорлари мамлакатга 3 миллион 566 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун фидокорона курашмоқдалар.

Қирғизистоннинг бир ўзи Франция, Италия ва Ғарбий Германияда ишланаётган қандниг жами миқдоридан ортиқ маҳсулот чиқаряпти. Қанд лавлагининг ҳосилдорлиги жиҳатидан Қирғизистон республикаси Франция, Италия ва Даниядан ўзиб кетиб, Америка Қўшма Штатларига етиб олди.

Ўрта Осиё республикалари халқ маорифи соҳасида катта муваффақиятларга эришдилар. Агар ҳорижий Шарқ мамлакатлари билан таққослаб кўрилса, бу муваффақиятларнинг нақадар улканлиги кўзга яққол ташланади. Чунончи, Ўзбекистон республикаси студентлар сони жиҳатидан Франсия, Германия Федератив Республикаси ва Италияни жуда орқада қолдириб кетди.

Ўрта Осиё республикаларининг ҳаммасида Фанлар академияси тузилганлиги ва илм-фаннинг тобора ривожланаётганлиги маданий революциянинг энг катта самарасидир. Ўрта Осиё республикаларидаги Фанлар академиялари, илмий-текшириш муассасалари ва олий ўқув юртларида ҳозирги вақтда ўн мингдан ортиқ илмий ходим ишлаб турибди. Ўзбекистон Фанлар академиясида ва олий ўқув юртларида 2 минг 600 дан ортиқ фан докторлари ва кандидатлари хизмат қилмоқда.

Социалистик маданият Ўрта Осиёнинг ҳамма қисмларига кенг ва мустаҳкам ёйилди. Фақат шаҳарлардагина эмас, балки энг чекка қишлоқларда ҳам клублар, маданият уйлари, кинотеатр ва кутубхоналар бор. Ўрта Осиё республикаларида консерваториялар ишлаб турибди, миллий кинематография, опера ва балет санъати ривожланмоқда. Бу республикаларда юзлаб газета ва журналлар нашр этиляпти, 46 та опера ва драма театри, 33 та музей, бир неча минг кинотеатрлар аҳоли хизматида.

Революцияга қадар Ўрта Осиёда соғлиқни сақлаш муассасалари деярлик йўқ эди. Ҳозир Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистонда 16 ярим мингдан кўпроқ врач ишлаб турибди. Шифохоналар, касалхона, туғруқхона, поликлиника ва амбулаториялар тармоғи тобора кенгаймоқда. Соғлиқни сақлаш системасининг ривожланиши жиҳатидан Ўзбекистон Америка Қўшма Штатлари, Англия ва бошқа йирик капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетган.

Бундай мисолларни Совет Иттифоқидаги бошқа қардош республикалардан ҳам истаганча келтириш мумкин. Совет кишилари бундай катта ютуқларга Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги, марксча-ленинча миллий сиёсат изчиллик билан амалга оширилаётганлиги, пролетар интернационализми, Ватанимиздаги барча халқларнинг бирлиги ва дўстлиги тобора мустаҳкамланаётганлиги туфайли эришмоқдалар.

КПСС XXII съезди ва партиянинг янги Программаси кўпмиллатли Совет давлатининг янада мустаҳкамланиши, СССР халқлари моддий ва маънавий кучларининг равнақ топиши, уларнинг бир-бирларига тағин ҳам кўпроқ яқинлашувлари ва тараққий этишлари учун буюк истиқболлар очди. Коммунистик қурилишни кенг кўламда авж олдириш даври СССР да миллий муносабатларнинг ривожланишида ҳам янги босқичдир. Бу босқичда ҳамма соҳада интернационал асослар янада кучаяди ва кенгаяди.

Совет Иттифоқи — кўпмиллатли мамлакат. Жумладан, Ўзбекистоннинг бир ўзидагина 60 дан ортиқ миллат кишилари: ўзбеклар, руслар, қорақалпоқлар, украинлар, тожик ва қозоқлар, татар ва корейслар, қирғиз ва туркманлар, озарбайжон ва арманлар ҳамда бошқа миллат кишилари аҳил бўлиб яшамоқдалар ва меҳнат қилмоқдалар.

Советлар днёридаги социалистик миллатлар бутун тараққийпарвар инсониятга кишиларнинг социал тенгсизликдан, зулм ва эксплуатациянинг ҳамма турларидан қандай қилиб халос бўлиш мумкинлигини ўзларининг эркин ҳаётлари мисолида кўрсатмоқдалар. СССР халқлари инсониятни империалистик йиртқичлар тайёрлаётган янги уруш даҳшатларидан қутқазмоқ учун изчиллик билан кураш олиб бораётирлар. Атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисида Москвада Шартнома имзоланганлиги ва ер юзининг ҳамма қитъаларидаги кўпчилик давлатлар унга якдиллик билан қўшилганлиги тинчликсевар кучларнинг катта ғаласаси бўлди.

Бироқ, бу масалада Хитой Халқ Республикаси раҳбарларининг тутган йўли бутун жаҳонда таассуф ва нафрат туғдирмоқда. Чунки Хитой раҳбарлари халқларнинг иродаси ва фикри билан ҳисоблашмай, сохта революцион гаплар орқасига яшириниб, бу Шартномага, Совет Иттифоқига ва барча тинчликсевар кучларга қарши бўҳтон ёғдиришяпти. Аммо Совет ҳукумати жаҳон социалистик системаси бирлигини мустаҳкамлаш, жаҳон термоядро уруши хавфини бартараф этиш, барча давлатларнинг тинч-тотув яшашини таъминлаш мақсадида бундан буён ҳам ўзининг бутун куч-ғайратини сарфлайверади.

А. АЗИЗХОНОВ
ТошДУ КПСС тарихи кафедрасининг аспиранти.



Бекободдаги металлургия заводида ишлаб чиқарилаётган прокатлар мамлатимизнинг кўлгина химия корхоналари учун жўнатилмоқда. Химиклар коллектив меҳнатидан мамнун. Чунки улар занази доимо ошириб ва сифатли бажариляпти. Суратда: янги прокат маҳсулотини жўнатиш пайти.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

КАТТА ХИМИЯ ЯРАТАМИЗ

ҲИССА

Партиямиз, Совет ҳукумати қудратли химия саноати тез суръатлар билан ривожланишига доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1958 йил май ойида бўлиб ўтган Пленуми катта химия саноатини барпо этишда улкан босқич бўлди. Корхонамизнинг асосий юксалиш даври шу Пленум программаси асосида бошланди. Янги техниканы жорий этдик, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштирдик, кишиларнинг меҳнатга муҳаббатини оширдик. Меҳнатимиз зое кетмади. Мана энди юксалиш чўққисига чиқиб олдик. Ойма-ой, кварталма-квартал ишлаб чиқариш планларини ошириб адо этяпмиз.

Шу йилнинг бошида Луганск қурувчилари ажойиб «ташаббус» бошладилар. Улар барча ишлаб чиқариш корхоналарига мурожаат қилиб, химия саноати объектларини муддатидан олдин фойдаланишга топширишга эришишга ҳисса қўшишга чақирдилар. Бу ҳайрли ишга биз ҳам дарҳол қўшилдик ва ўз ички имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб оширилган мажбуриятлар олдик.

Мана шундан бери 9 ой ўтди. Ишлаб чиқариш цехларидан, участкалардан келаётган маълумотларни кўрганда бениҳоя қувонади киши. Сентябрь ойи ичида 1 миллион 565 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариб, планни анча ортиқ адо этдик. Турли хил химик мосламалар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш планг 107,6 процент бажарилди. Пландаги 56 та турбомашиналар тўла-тўкис тайёрланиб заказчиларга жўнатилди.

Коллективимиз ўтган ойлар ичида ҳам шундай улкан ютуқларни қўлга киритган эди. Ой сайин планни ошириб бажариш ва қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш бизда одат тусига кириб бораяпти. Шу давр ичида планга қўшимча равишда 72 та химик аппаратнинг тайёрланганги кишини беҳад қувонтиради. Бу аппаратлар Навоий химия комбинатига, Чирчиқ электрохимкомбинатига, Салават химкомбинатига жўнатилди. Сумгаит, Лисичанск химиклари учун ҳам пландан ташқари асбоб-ускуналар юборилди.

Бизнинг чет элларда ҳам қўплаб заказчиларимиз бор. Ҳар йили Болгария учун иситгичлар, Руминия химия комбинатлари учун асбоб-ускуналарнинг тўла комплекти, Кубага иссиқлик алмашиш аппаратлари юборилади. Заказчиларимиз маҳсулот сифатидан беҳад мамнунлар. Шунинг учун ҳам ҳар йили яна янги-янги заказлар беришяпти. Биз ҳам дўстларимиз иштимосини жондилимиз билан кўнгилдагидек қилиб бажаравераміз.

Яқинда матбуотда «Дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширмоқ учун минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш» тўғрисида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Хати эълон қилинди. Тўғри, минерал ўғитлар миқдорини оширмай туриб экинзор ерларни сермаҳсул қилиш мумкин эмас. Бунинг учун аввало минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхоналар сонини оширмоқ керак. Агар шундай бўлса уларга биринчи навбатда машиналар керак. Ускуналарни кимдан олишади? Албатта биздан, машинасозлардан! Хатда «Машинасозлар сўнгги йилларда мамлакатнинг минерал ўғитлар саноати учун ускуналар тайёрлаб беришини икки баравардан зиёд кўпайтирган бўлсалар ҳам, бироқ, халқ хўжалигининг бундай ускуналарга бўлган эҳтиёжлари ҳали қондирилаётгани йўқ», деб тўғри кўрсатилган. Ҳаётимиз доимо ўсишда, улғайишда. Кун сайин кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариб ҳаёт талабига жавоб бериш керак.

Коллективимиз аъзолари партия ва ҳукуматимиз Чақириғини бир овоздан маъқуллаб, унга жавобан ўз зиммаларига оширилган мажбуриятларни олдилар. 1964 йилнинг I-кварталида ишлаб чиқарилиши лозим бўлган 64 аппаратни шу йилнинг IV кварталида тайёрлаб, заказчиларга жўнатишга қарор қилишди, азаматлар.

Коллективимизнинг сўзи билан иши бир. Пил охиригача Чирчиқ электрохимия комбинати муддатидан илгари 95 кубометрли 3 конденсатор, 63 кубометрли 2 холодильник, Шекинский химкомбинати 3 та регенератор ва 2 холодильник оладилар. Бошқа заказчи корхоналарга ҳам турли хил керакли химик асбоб-ускуналар қўшимча равишда етказиб берилади. Шу кеча-кундузда корхонамиз цехларида Чирчиқ электрохимия комбинати учун 2 змеевик ва Березниково сода заводи учун 3 та 850 кубометрли иссиқлиқ алмашиш аппаратлари тайёрланмоқда. Улар октябрь ойи охиригача жойларга жўнатилади.

Корхонамиз аъзолари ўз устларига олган мажбуриятларини шараф билан бажаришларига ишончимиз комил. Бунинг учун мавжуд ички резервлардан яна ҳам унумли фойдаланамиз. Тиниб-тинчимас рационализатор ва ихтирочиларимиз кашф этаётган янги-янги таклифлар доимо бизга мададкор бўлмоқда.

Шу кунларда коллективимиз байрамолди мусобақасини яна ҳам қизитиб юборди. Р. Салимов, Р. Раҳсимов, К. Усмонов ўртоқлар каби жонкуяр ишчилар, В. Крюков, С. Жалилов ўртоқлар бошлиқ илғор бригадалар мусобақанинг олдинги сафларида бормоқдалар. Ишонинг, бу азаматлар Ватан чақириғига муносиб жавоб берадилар.

Н. КОГАНСКИЙ.
«Узбекхиммаш» заводи ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи.
Чирчиқ шаҳри.

РЕПОРТАЖ

БИР МЕЁРДА

Заводнинг қайси цехида бўлманг, ҳамма ерда меҳнат ғайрати мавж ураётганлигини кўрасиз. Цехлар, бўлимлар ва ишчиларо социалистик мусобақа авжида. Иш суръати жадал. Барчанинг диққат-эътибори Улуг Октябрнинг шонли 46 йиллигини муносиб кутиб олишда.

Заводнинг биринчи цехидамиз. Пастаккина станоклар қатор саф тортган. Моторлар бетинким гуруллайди. Кескир арраларнинг чинқириқ товушлари қулоқни қоматга келтиради. Ёғочтилар станоклардан ёмғирдек ёғилаётган қипиқлар ер узра гиламдек тўшалиб ётибди. Ҳамма ўз участкасида банд. Тилиб ташланаётган ҳар хил ўлчовдаги ғўла-ёғочлар беҳисоб. Станокларнинг ҳаракат режими уларни моҳирлик билан бошқараётган фидокор ишчиларнинг чаққон ҳаракати билан жуда ҳамоҳанг. Хуллас, бу ерда чинакам меҳнат поэзияси яратилмоқда.

Қувончлиги шундаки, цехнинг барча бўлимлари, иш суръатида бир-биридан асло қолишмаётир. Илғорлар илғори, коммунистик меҳнат зарбдори Маҳсуда Шукурова ғайрат ва шижоати, ўта чаққон ва уддабурролиги билан кўпларнинг ҳурмати ва диққат-эътиборига сазовор.

Бундай ишлаб чиқариш илғорлари якка-ягона эмас. Ўз касбини жон-дили билан севган, ҳамма вақт ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишлаётган фидокорлар заводда анчагина бор. Булар — С. Аҳмедов, Ш. Тўйчиев, М. Коновалов, В. Лавров, Н. Ганалова, У. Иноғамов ва бошқалардир. Баракали меҳнат қучоғида обдон тобланган бу азаматлар ҳамиша олға интилмоқдалар, вақт, техника қувватидан унумли фойдаланмоқдалар. Кунлик топшириқларини доимо 110—120 процентга етказиб адо этиб, ўз ҳамкасбларига намуна кўрсатмоқдалар.

Бу ва бошқа ўнлаб илғорларнинг самарали меҳнати натижасида завод ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича тўққиз ойлик планни муддатидан олдин 106,1 процент қилиб бажарди. Пландагидан ташқари деярлик 60 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўрта Осиёнинг ўн олти шаҳридаги озиқ-овқат саноати корхоналарига 953 минг 900 дона гофрокоробка ва 59 минг 500 дона ион ящиклари юборилди. Шу билан бирга меҳнат унумдорлиги пландагига нисбатан бир мунча ошди. ёғоч, фанер ва картон каби хомашё материалларидан кўплаб тежаб қолинди.

— Буларнинг ҳаммаси, — дейди завод директори Ўртоқ Х. Обидов,— ҳар қандай шароитда ҳам бир меёрда ишлаш самараси бўлди. Коллективимиз шу кунларда октяброльга социалистик мусобақасини кучайтириб, шонли байрамимизни янги меҳнат зафарлари билан нишонлаш иштиёқида ғайратга-ғайрат қўшиб ишламоқда.

Ш. ТОҲИРОВ,
Тошкент ёғочсозлик-тара заводи.

МУДДАТИДАН ОЛДИН

Олмалиқдаги 5-темир-бетон буюмлари заводи коллективи тўққиз ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари 102 процент адо этган эди. Ишчилар тўққиз ойга планлаштирилган 57 минг 800 кубометр ўрнига 59 минг 800 кубометр темир-бетон буюмлари ва конструкциялари ишлаб чиқардилар.

Планнинг бажарилишида ўртоқ Г. Овсянников бошлиқ 1-цех ишчилари катта ҳисса қўшдилар. Бу цех азаматлари тўққиз ойда 12 минг 500 кубометр бетон маҳсулоти тайёрлаймиз, деб сўз берган эдилар. Мардлар ваъдага вафо этишди: 12 минг 924 кубометр бетон маҳсулоти қуйилди. Цех ишчилари ҳозир ҳам суръатни бўшаштирганлари йўқ. Улар ҳар куни 58 кубометр ўрнига 70—75 кубометрдан бетон қуйиб, кунлик нормани 120—125 процентдан адо этмоқдалар.

Цех ишчиларидан Н. Эрматов, О. Шагиев, П. Мизенкова, С. Колеционовлар ҳар куни 10—15 тадан «ПО-59-12» марнали плита ишлаб чиқармоқдалар. Улар кунлик нормаларини 2,5—3 ҳиссадан бажариб, бошқаларга ўрнак бўлишяпти. Цех коллективи 10 ойлик планни узоғи билан 20 октябргача бажариш учун курашмоқда.

Шунингдек, ўртоқ В. Сарнисов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси арматурачилари ҳам астойдил тер тўкиб меҳнат қилмоқдалар. Улар ҳар ойда 750 тонна ўрнига 755 тоннадан ҳар хил типдаги арматура буюмлари ишлаб чиқараяптилар. Пайвандчилардан Ф. Сафарова, Н. Ладонов, К. Алабужинлар ҳар куни 40—50 тадан арматура тўрлари тайёрлаб, кунлик топшириқни 1,5—2 ҳиссадан бажаришяпти.

Т. КАРИМОВ,
Ҳ. СОИБНАЗАРОВ.

ЎЗБЕКИСТОНДА РУС АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ

Ўзбекистон ўзининг азиз меҳмонларини—рус адабиёти ва санъати декадасида қатнашмоқ учун Россия Федерациясидан келадиган маданият арбобларининг катта группасини орзиқиб кутмоқда. Бу ажойиб воқеа Улуг Октябрь социалистик революциясининг 46 йиллиги байрамининг дебочаси, халқлар дўстлигининг энг катта ғалабаларидан бири бўлади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программасида бундай дейилган: «Партия СССР халқлари маданиятининг социалистик мазмунини ривожлантиришга катта аҳамият бериб, унинг бундан буён ҳам ўзаро бойиб, яқинлашиб боришига, унинг интернационал негизини мустаҳкамлашга ва шу йўл билан коммунистик жамиятга хос ягона умуминсоний маданиятнинг вужудга келишига ёрдам беради..» Ўзбекистонда ўтказиладиган декада ҳам ана шу улуг мақсадга ёрдам берини лозим. Қардош маданиятларнинг мана шундай байрамлари чинакам халқ адабиётларини ва санъатларини яшнатиш тўғрисида партия ва ҳукумат, Никита Сергеевич Хрущев доимо ғамхўрлик қилаётганликларининг ажойиб далилидир. Мамлакатимиз халқларининг адабиётлари ва санъатлари социалистик реализмни ўзларига компас қилиб олганлар, коммунизм қуришга хизмат қилишни ўзларига асосий мақсад қилиб олганлар.

Улуг рус халқи маданиятининг вакиллари бўлган ёзувчилар, артистлар, композиторлар, рассомлар, кинематография ходимлари 24 октябрдан бошлаб 10 кун давомида республика шаҳарлари ва қишлоқларининг меҳнаткашлари билан учрашувлар ўтказадилар. Ўзбекистоннинг ижодкор интеллигенцияси билан бирга адабиёт ва санъатни ривожлантиришнинг актуал масалаларини муҳокама қиладилар.

Бўладиган учрашувлар тўғрисида республика ижодий союзларининг раҳбарлари Ўзбекистон Телеграф агентлиги мухбирларининг илтимосларига биноан қуйидагиларни гапириб бердилар.

ҚАЛАМКАШ ОҒАЛАРИМИЗНИ КУТМОҚДАМИЗ

Янгиликни барқарор қилиш, қардош халқлар ёзувчиларининг ижодида бир-бирига яқинлашишни ва бир-бирига бўлган таъсирни кучайтириш кўп миллатли совет адабиётининг ажойиб белгисидир. Рус адабиёти ва санъати декадаси буни яққол намойиш қилади, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Комил Яшин.

Бошқа қардош республикаларнинг адабиётлари каби ўзбек совет адабиёти ҳам рус адабиётининг доимий ёрдами билан ривожланиб келди ва такомиллашмоқда. Биз социалистик воқелигимизнинг бой ва хилма-хил жиҳатларини, коммунизм қураётган замондошимизнинг образини ҳаққоний акс эттиришни қаламкаш оғаларимиз бўлган Россия Федерациясининг адибларидан ўрганганимиз ва ўрганмоқдамиз.

Рус ёзувчиларининг асарлари Туркистон ўлкасининг рус ва ўзбек тилидаги газеталари саҳифаларидаёқ кўп марталаб босилган эди. Бу асарлар китобхонлар оммасини жаҳонга А. С. Пушкин ва Л. Н. Толстой, Н. Г. Чернишевский ва Н. А. Некрасов сингари буюк ёзувчиларни ғарбнинг адабиётнинг энг яхши традициялари руҳида тарбиялаш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу улуг зотларнинг ижоди Фурқат, Ҳамза, Ҳамид Олимжон сингари ёзувчиларнинг камол тошишида катта роль ўйнади. Шу ёзувчиларимизнинг халқ севиб ўқиётган энг яхши асарларида уларнинг рус адабиёти классиклари ижодидан, шунингдек совет прозаси ва поэзиясининг талантли намояндалари бўлган М. Горький, В. Маяковский, А. Серафимович ижодидан баҳраманд бўлиб, самарали таъсирланганликларини кўриб турибмиз. Замондошларимиз бўлган Ойбек, Ғафур Ғулом, Шароф Рашидов, Уйғун, А. Қаҳҳор, Зулфия, М. Шайхзода ва бошқа шоирлар, адиблар, драматурглар-нинг ижодида ҳам мазкур буюк рус ёзувчиларининг таъсирини кўриш мумкин. Улар социалистик реализм асарларининг биринчи намуналарини яратган рус адабиётидан таълим олмоқдалар.

Ҳозирги вақтда республикамизнинг миллион-миллион меҳнаткашлари барча қардош халқлар ёзувчиларининг асарларини ўз она тилида ўқимоқда. М. Шолохов, К. Симонов, Б. Полевой, М. Авезов, С. Муқанов, С. Капутикян, Г. Севунц ва бошқа кўпгина ёзувчиларнинг янги асарлари газеталаримизнинг саҳифаларида босилмоқда, айрим китоблар ҳолида нашр этилмоқда. Ўзбек ёзувчиларнинг асарлари эса, қардош республикалардаги газеталар ва журналларнинг саҳифаларида тез-тез босилиб чиқмоқда. Ойбек, С. Бородин, А. Муҳтор, Зулфия, И. Раҳимнинг янги асарлари «Дружба народов» журналида босилиб чиқди.

Россия Федерациясининг моҳир намояндалари бўлган Леонид Соболев, Николай Грибачев, Борис Полевой, Алексей Сурков, Степан Щипачев, Михаил Светлов, Всеволод Кочетов, Анатолий Софронов, Константин Симонов, Александр Чаковский, Николай Абалкин, Исидор Шток, Владимир Державин, Евгений Поповкин, Валерий Косолапов, Михаил Дудин, Семен Липкин, Виталий Озеров, Константин Воронков, Сергей Баруздин, Римма Казакова, Василий Смирнов, Владимир Солоухин ва бошқа кўпгина ёзувчилар билан учрашиш шарафига муяссар бўлишимиз билан қувонамиз.

Ўзбекистон ва РСФСР ёзувчилари ўртасида катта ижодий суҳбат бўлади. Биз адабиётнинг ҳамма жанрларини ривожлантиришнинг энг актуал масалаларини қаламкаш биродорларимиз билан биргаликда муҳокама қиламиз ўз режаларимизни айтиб берамиз. «КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми ҳамда совет адабиёти ва санъатининг вазифалари» деган тема ҳамма учрашувларнинг диққат марказида туради.

Биз меҳмонларни кутиб олиш шарафига кўпгина нарсаларни тайёрлаб қўйдик. Нашриётларимиз рус классикларидан А. Пушкин, М. Лермонтов, Л. Толстой, Н. Некрасов, М. Горький, В. Маяковский, А. С. Серафимович, М. Шолоховнинг асарларини, шеърлар тўпламлари, повестлар, ҳикоялар, очерклардан иборат 60 га яқин китобни декада муносабати билан нашр қилдилар. Ўзбекистонда рус музика маданиятининг ўзидаёқ китоб виставкаларида, завод клубларида, кутубхоналарда, дала шийпонларидаги адабий кечаларда бошланиб кетди.

Қардошларнинг бир-бири билан дўстона кучоқлашиб кўришганидек, дилкаш бўлиб суҳбатлашганидан кўра азизроқ нарса бўлиши мумкинми? Бизларнинг кўпимиз анча вақтдан бери шахсан дўстмиз, бир-биримизнинг асарларимизни таржима қилганмиз, гаплашиш, маслаҳатлашиш учун дилимизга тугиб қўйган нарсаларимиз кўп.

Бу декада халқларнинг бузилмас ленинча дўстлигини кўрсатувчи яна бир намойиш бўлади, қардош республикалар маданиятларининг бир-бирини бойитиши тўғрисида Коммунистик партия ва Совет ҳукумати қилаётган ғамхўрлиқнинг яна бир кўриниши бўлади. Биз, ёзувчилар ижодий меҳнат аҳли тўғрисида қилинаётган доимий ғамхўрлик учун КПСС Марказий Комитети ва шахсан Никита Сергеевич Хрущевга чин кўнгилдан ташаккур айтамиз.

МУЗИКА МАДАНИЯТИНИНГ БАЙРАМИ

Симфония, опера, хор, музикали, драма, балет, романс... Классик музиканинг ҳамма жанрлари ҳозир ўзбек миллий маданиятида яшамоқда ва ривожланмоқда. Ваҳоланки, Октябрь революциясига қадар бизнинг тилимизда мана шу бойликларнинг ҳаммасини ифодаловчи сўзларнинг ўзи ҳам йўқ эди. Россиянинг музика арбоблари, деди Ўзбекистон Композиторлар союзининг раиси Собир Бобоев, ўзбек халқини музика маданиятининг ҳазиналаридан кенг равишда бахраманд қилдилар.

Ҳар бир халқ орасида талантлар кўп. Бизнинг ўлкамизда ҳам ўз халқининг истак ва умидларини ўз куйларида тараннум этган моҳир устаҳар ҳам эмас. Бу куйлар шу вақтгача бизни тўлқинлантириб ва қувонтириб келмоқда. Лекин ўзининг оригинал хусусиятларини сақлаб қолган бу куйлар эндиликда янги бўёқлар билан сайқал топди, янги, чуқур мазмун билан бойиди. Ҳозирги симфоник асарлар, опералар, хорлар ўзбек халқ темаларига асосланиб ёзилаётганлигини, ҳамма халқлар маданиятининг мулки бўлиб қолаётганлигини хурсанд бўлиб гапирмоқдамиз.

Рус композиторлари ўзларининг ўзбек ўртоқларига таълим берар эканлар, уларни халқ музикасига нисбатан меҳр ва муҳаббат билан муносабатда бўлишга ҳам ўргатдилар ва бу ишда ўзлари намуна кўрсатдилар. С. Василенко, Р. Глиэр, Г. Мушель, А. Козловский, В. Князев, Б. Гиенко, А. Берлин сингари композиторларнинг ижодида ўзбек темалари акс этди. Ўзбекистоннинг қанча-қанча музикантлари В. Успенский, Я. Пеккер, Б. Надеждин ва рус музика маданиятининг бошқа намояндалари ўзларига устоз бўлганлигини, улар музика мактабларини ва билим юртларини, Тошкент консерваториясини ташкил этишда ёрдам берганлигини хурсанд бўлиб тилга олмоқдалар. Россия ва бошқа қардош республикаларнинг барча санъат аҳлларига — ўз фаолиятини Ўзбекистоннинг музика маданияти билан боғлаган барча композиторлари ва музикашуносларига яна бир марта алоҳида миннатдорчилик изҳор қиламиз.

Яна бир хуш хабар келди. Дмитрий Шостакович, Дмитрий Кабалевский, Василий Соловьев-Седой, Родион Щедрин, Андрей Эшпай ҳамда Москва, Ленинград ва Россиянинг бошқа маданий марказларидаги яна бир қанча атоқли композиторлар, музикашуносларнинг, музикантлар Тошкентга келаётганлигини эшитдик. Биз бу учрашувдан жуда кўп нарсаларни кутмоқдамиз. Бўладиган декаданинг программаси кенг ва хилма-хил. Декада қатнашчилари республика композиторларининг янги асарлари билан танишадилар. Навоий номидаги опера ва балет театрининг, Мқимий номидаги музикали драма ва комедия театрининг спектакларини бориб кўрадилар, симфоник концертларда, камера музикаси кечаларида қатнашадилар.

Ўз ижодимиз тўғрисида устозларнинг фикрини эшитиш, ижодимизни ривожлантириш йўлларини улар билан бирга муҳокама қилиш, атоқли устозлардан маслаҳатлар олиш биз учун жуда муҳимдир. Музика таълими, музикани пропаганда қилиш, ёшларнинг ижоди, музика танқиди проблемалари ва музика маданиятини ривожлантиришнинг бошқа масалалари кенг равишда ўтказиладиган муҳокамаларда ҳам, ёки ўртоқларча бўладиган суҳбатларда ҳам, албатта тилга олинади. КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг илҳом бахш қарорларини биргаликда муҳокама қилиш ҳам учрашувларимизнинг диққат марказида бўлади, албатта.

(ДАВОМИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

321 МИНГ ТОННА ПАХТА УЧУН!

СТУДЕНТЛАР ҒАИРАТИ

Яқинда машъал «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози пахтакорлари ғалаба рапортини бердилар. Бунда Тошкент қишлоқ хўжалик институти студентларининг ҳам ҳиссаси бор.

Студентлар совхоз ишчилари билан бир сафда туриб теримда ғайрат кўрсатмоқдалар. Б. Ботиров, Қ. Саримсоқов, И. Аҳмаджонов, Н. Жумаев сингари ўртоқлар, айниқса, унумли меҳнат қилишяпти. Улар кунига хирмонга 140-185 килограммдан пахта тўкмоқдалар.

Шундай қилиб, биринчи курс студентларидан ташкил топган биринчи бригададаги 54 студентнинг ҳар бири ўрта ҳисобда кунига 50-55 килограммга етказиб пахта термоқда.

Совхоз дирекцияси ва ишчилари студентларнинг меҳнатидан ғоят миннатдор.

Ё. РАҲИМОВ.

ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ДАВЛАТГА СОТИШ ПЛАНЛАРИНИ ҲАМДА СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИГА ШОНШАРАФЛАР БЎЛСИН!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

ПАХТАЧИЛИКНИНГ КЕЛАЖАГИ

Комплекс механизация пахтачиликка тобора чуқурроқ сингиб бормоқда. Ерни экишга тайёрлашдан тортиб пахта теримигача бўлган барча ишлар асосан машиналарнинг елкасига юкланаяпти. Пахтачиликни комплекс механизациялаштириш ҳосили машиналар билан йиғиб-териб олиш жиҳатидангина ҳозирча тўла ҳал бўлмай турибди. Аммо бунинг учун қизғин кураш кетаяпти. Илғорлар тажрибаси шуни яққол кўрсатаяпти, етиштириладиган пахта ҳосилининг ҳаммаси фақат машиналар билан териб олинадиган ажойиб вақтлар узоқ эмас.

Машина терининг узил-кесил ғалаба қозониши каттаю-кичик ҳамманинг диққат марказида турибди.

Деҳқоларнинг дўсти бўлган конструкторлар дала ишларини енгиллаштирадиган турли хил қишлоқ хўжалик машиналари билан бир қаторда энг кўп меҳнат, энг кўп куч талаб этадиган пахта теримини осонлаштирадиган агрегатларни ҳам дратиб беришяпти. Шу пайтга қадар бирқанча марқадаги пахта териш агрегати яратилди. Биз уларнинг серунум ишлашига эришяпмиз. «ХВС-1,2» машинаси бунёд этилганида деҳқонларнинг бир қувончига ўн қувонч қўшилди. Негаки, бу машина дунёда энг яхши машина бўлиб чиқди.

Бизнинг бўлимимизда 730 гектар пахта майдони бор. Ана шу майдонларнинг ҳаммасида етиштирилган ҳосил машиналар билан йиғиб-териб олинаяпти. ХВС лар туфайли ўтган йили пахта тайёрлаш планини атиги 29 кун ичида бажаришга муваффақ бўлдик. Бу йилги ишимиз яна ҳам яхши бўляпти. Бўлимимиз далаларида 22 та «зангори кема» шиддат билан пахта тераяпти.

Моҳир механизаторлар бошқаришаётгани учун ҳам хирмон баракасига барака қўшиляпти. Мавсум охирига қадар етиштирилган ҳосилнинг 85—90 процентини машиналар билан териб олишга албатта эришамиз.

Конструктор дўстларимиз бир кетишда 4 қаторнинг пахтасини териб оладиган янги машина яратишди. Уларнинг бу ажойиб туҳфаси бизни ғоят хурсанд қилмоқда. Негаки 4 қаторли агрегат ҳозирги агрегатларнинг иккитасининг ишини қилади. Бунинг турган-битгани биз учун фойда. Совхозимиз пахтакорлари номидан шуни айтмоқчиманки, ана шу тўртқаторли агрегатлар кўплаб ишлаб чиқарилса жуда соз бўларди. Негаки, пахтачилигимизнинг келажаги машиналарникидир. Машиналар қанча кўпайса, улар қанча сифатли ишлайдиган бўлса, шунча яхши.

Мустафо ЧАЧИ.

Оққўрғондаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг 5-бўлим бошқарувчиси.

ГУЛСУМ ХОЛАДАН ҲАММА МИННАТДОР

Гулсум холанинг ёши 60 да. Унинг Янгийўл бошқармасидаги «Қизил Октябрь» колхозида меҳнат қила бошлаганига 40 йилдан ошди. Холанинг колхозда қилмаган иши қолмаган. У тракторчи ҳам, бригадир ҳам химизатор ҳам бўлган. Кейинги йилларда эса колхознинг энг илғор теримчиси сифатида донг чиқарди.

Гулсум хола Абдурахмонова бу йил терим бошланган кунданоқ ғайратга ғайрат қўшиб ишлай бошлади. У мавсумда 10 тонна «оқ олтин» териш мажбуриятини олган. Ҳозир Гулсум хола ҳар куни эл хирмонига 80-100 килограммдан «оқ олтин» дурдоналарини тўкяпти. Унинг шу кунгача терган пахтаси 6 тоннага яқинлаб қолди. Гулсум холадан ҳамма миннатдор.

Холадан ўрнак олиб ишлаётган 3-бригаданинг илғор теримчиларидан Назира Шоабдиева, Солиҳа Усмонова, Салтанат Нуритдинова, Рихси Юсупова ва бошқалар Мавсумда 10-15 тонна «оқ олтин» терамиз, деб сўз беришган.

М. ҚОСИМОВА.

— Юз тонна пахта териб топшираман! Янгийўл бошқармасидаги «Москва» колхозининг ёш механизатори Тошпўлат Даминов ана шундай ахд қилган эди. Авжи терим қизиган кунлари ҳар куни бункердан 4—5 тоннага етказиб пахта тўкди. Суратда: механик-ҳайдовчи ўртоқ Тошпўлат Даминов.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

СУРЪАТГА СУРЪАТ ҚЎШИЛМОҚДА

ЯНГИБОЗОР, (телефон орқали олинди). Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Ўзбекистон» колхозининг пахта далаларида Октябролди социалистик мусобақаси кенг қулоч ёйди. Пахтакорлар улуғ байрамга муносиб совғалар тайёрлаш учун тер тўкиб меҳнат қилмоқдалар. Улар теримни жадаллаштириб, далаги ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш учун барча чораларни кўрмоқдалар. Бу ерда кўпмингкилограммчи теримчиларнинг сони жуда кўп.

Колхозчи-теримчиларга қишлоқ меҳнаткашлари ҳам яқиндан ёрдам беришмоқда. Мактаб ўқувчиларидан 232 киши далага чиқиб пахта теришяпти. Шундай қилиб колхозда борган сари теримчи кўпайиб суръат ошиб бормоқда. 60—70 килограммдан кам пахта тераётган колхозчилар деярли қолмади.

Ўртоқ Пак Александра бошлиқ 1-бригадада иш уюшқоқлик билан олиб бориляпти. Бригада бошлиғи ҳар бир теримчи билан алоҳида-алоҳида гаплашиб, уларнинг ишга бўлган муҳаббатларини оширмоқда. Бригада бошлиғининг ташаббуси билан ҳар куни теримчиларга иссиқ овқат қилиб берилянти. Дала шийпони маданий дам олиш жойига айланган. Бу ерда кўчма яслилар ҳам ишлаб турибди. Ана шунинг учун бригададаги ишга яроқли 52 колхозчининг ҳаммаси мунтазам равишда теримга чиқиб туришибди. Улар бирбирлари билан социалистик мусобақа ўйнашиб, теримда катта ютуқларни қўлга киритишмоқда. Бригада аъзолари ҳар куни 11—12 тоннадан «оқ олтин» териб йиллик пахта тайёрлаш планини 2 процент ҳисобида бажаришмоқда. Муҳаббат Авазова, Шарофат Меҳнева, Рўзибуви Ашурова, Манаура Йўлдошева каби теримчилар олдингилар сафидан ўрин олишган. Чеварлар лўппи-лўппи бўлиб очилган момиқ пахталарни икки қўллаб териб, кунлик нормаларини икки баравларга етказиб ado этишмоқда.

Жонажон партиямизнинг Октябрь Чақириқларидан руҳланган колхоз пахтакорлари планни тезроқ бажариш учун курашмоқдалар.

ҲАВАСКОРЛАР ДАЛАЛАРДА

Шу кунларда Юқори Чирчиқ рай. он маданият бўлимининг 9 кишидан иборат ҳаваскор санъатқорлари колхоз далаларига чиқиб шийпонларда, бригада ерларида пахтакорларга маданий хизмат кўрсатишяпти. Ҳаваскорлар группасига колхозчилар, алоқа бўлими ходимлари, маданият уйи ходимлари жалб қилинган.

Ҳаваскор санъатқорлар бошқармадаги «III интернационал», «Ленинизм», Ленин номли, «Политотдел», «Ўзбекистон» колхозларида концертлар қўйиб беришди.

Т. АНДАБОЕВ.

МЕХАНИЗАТОР, БУНИ УНУТМА

Қишлоқ хўжалигимизни ривожлантириш ва энгилдан баракали ҳосил етиштиришда механизаторларнинг роли тобора ортиб бораяпти. Механизатор кадрларни кўпайтириш, малакасини ошириш билан бир қаторда уларнинг соғлиқларини сақлашга ҳам жуда катта эътибор билан қараляпти. Дала ишларини бажараётганда эҳтиётсизликлар туфайли нишилар баъзибир касаллиқларга чалиниб қолишлари мумкин.

Дала ишларини бажараётганда меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника ҳавфсизлиги қоидаларига жиддий амал қилиш зарур. Акс ҳолда травматизм касаллиғига дучор бўлиш мумкин. Бу касаллик ишда аниқ график бўлмаса, меҳнат ва дам олиш режими бузилса, ишчиларга етарли шароит яратиб берилмаган бўлса, кечаси иш жойи яхши ёритилмаган ҳолларда пайдо бўлади.

Травматизм касаллигига мутлақо йўл қўймаслик мумкин. Илғор механизаторлар ишлаётган бригадаларда бутун йил давомида бирорта ҳам касаллик содир бўлмаяпти. Бу техника ҳавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига тўла амал қилинаётганлигининг натижасидир.

Механизаторлар травматизм касаллигига йўлиқмаслик учун нима қилишлари керак? Махсус билимга эга бўлмасдан туриб қишлоқ хўжалик машиналарини бошқариш керак эмас. Кўпйиллик тажрибага эга бўлган механизаторларни ҳам янги-янги машиналарни бошқариш учун қўшимча равишда ўқитиш керак. Ҳар бир смена бошланишидан олдин механизаторлар машинани обдон текшириб чиқишлари, бензин системаси, тормоз, бошқарув аппаратлари, прицеплар, сигнализация ва бошқа энг муҳим қисмлар қай аҳволда эканлигини аниқлашлари шарт.

Кетига турли машиналар тирналадиган тракторларни бошқарадиган механизаторлар айниқса эҳтиёткорлик билан ишлашлари зарур. Тракторни юргизиш ва тўхтатиш олдидан шартли сигнал берилиши керак. Ана шу сигналдан сўнггина тракторнинг кетига тирналган машинада ишлаётган кишилар ишни тўхтатиб пастга тушсалар ҳеч қандай кўнгилсиз ҳодиса рўй бермайди. Мабодо улар трактор юриб кетаётганида агрегатга чиқсалар ёки тушсалар қаттиқ шикаст ейишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалик машиналарида ишга мослаштирилган кийимлар, яхшиси комбинезон кийиб ишланса, ҳимоя кўз-ойнаклари тақилса яхши бўлади. Тери шилинмаслиги учун қўлга пишиқ матодан тикилган енг кийиб олиш керак.

Яллиғланиш касалига йўлиқмаслик учун эса механизаторларимиз терини эҳтиёт қилишлари керак. Тери одамнинг энг муҳим органидир. Агар тери тоза бўлса, ҳеч қаери шикастланмаган бўлса, организмга ҳеч қанақа микроблар кирмайди. Агар тери кир бўлса, яллиғланиш касалининг бошланиши ҳеч гап эмас.

Дала ишларини бажараётганда жуда кўп чанг кўтарилади. Чангдан сақланиш учун зарур тадбир-чоралар кўрилмаса бадан тез кирлайди, кир чанг билан биргаликда баданга касаллиника йўлиқтирувчи микроблар олиб киради.

Тракторчилар, комбайнчилар иш пайтида бензин, керосин, мойга яқин юрадилар. Агар шахсий профилактика қоидаларига риоя қилинмаса бу нефть маҳсулотлари ҳам яллиғланиш касаллигига олиб келиши мумкин. Агрегатларни ҳайдаётганда ёки ремонт қилаётганда қандайдир сабабларга кўра тери озгина шилинса ҳам организмга яллиғланиш касалини қўзғатадиган микроблар киради. Бунинг олдини олиш учун терини нихоятда эҳтиёт қилиш керак, у шилинган тақдирда дарров дори қўйиб оппоқ дока билан боғлаш зарур. Тез-тез, узоқи билан ҳар ҳафтада бир марта баданни иссиқ сув билан совунлаб ювиб туриш керак. Организм қанча поқ бўлса, касалликлар кишидан шунча йироқлашади.

Этилирланган бензин билан ишловчи қишлоқ хўжалик машиналарини ҳайдайдиган механизаторлар айниқса эҳтиёт бўлмоқлари керак. Агар техника ҳавфсизлиги ва шахсий профилактика қоидаларига яхши амал қилинмаса этилирланган бензин кишини заҳарлаб қўйиши мумкин. Бензин баданга томмасин. Двигателнинг бензин системасини оғиз билан пуфламаслик, бандан шланга орқали оғиз билан бензин олмаслик керак.

Тракторчи ва комбайнчилар ўз агрегатларига ўзлари этилирланган бензин соладиган бўлсалар махсус кийим, резина қўлқоп кийиб олишлари шарт. Махсус кийимни ҳар ҳафтада камида икки марта ювиш керак. Ҳар смена тугагандан сўнг ювилса ундан ҳам яхши бўлади. Агар махсус кийимга этилирланган бензин томган бўлса, дарҳол уни алмаштириш керак. Бунинг учун бригадада ортиқча махсус кийим сақланиши шарт.

Механизаторлар далаларни заҳарли химикатлар билан ишлаётганларида албатта махсус комбинезон, этик, қўл-қоп кийиб олишлари респиратор ва кўз ойнаклардан фойдаланишлари зарур. Иш тугагач, уст-бошни қоқиб, супириб, ундан кейингина кийимни ечса яхши бўлади. Бу кийимларни уйга олиб кетиш ярамайди. Ишдан кейин юз-қўлларни илиқ сув билан совунлаб ювиш зарур.

Қишлоқ хўжалигимизнинг механизаторлари! Юқорида айтиб ўтилган қоидаларни сира унутманг. Агар ана шу қоидаларга ҳамма вақт тўла риоя қилсангиз, доимо соғлом бўласиз, ҳеч қандай касалликларга чалинмайсиз.

С. Г. АГАЖАНОВА,
республика санитария маорифи уйининг ходими.

ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ

◆ БЎКА. Калинин номли колхоз пахтакорларига колхоздаги 24-мактаб ўқувчи ва ўқитувчилар коллективи яқиндан ёрдам бераяпти. Ўқувчилардан М. Эрматова, М. Маматова, М. Бакирова, Р. Абдуқодирова ва Ў. Нурматовлар теримда айниқса, ғайрат қилишяпти.

Пахтакорларга Олмалиқ шаҳар меҳнаткашлари ҳам катта мадад кўрсатмоқдалар.

И. Сидиқов,
О. Носиров.

◆ ВЕКОБОД. Сафар Қўшмуродов бошчилик қилаётган Ҳамза участкаси Ленин номли колхознинг энг йирик участкаларидан ҳисобланади. У 450 гектар пахта майдонига эга. Пахтакорлар гектар бошига 25 центнердан ҳосил етиштиришга ахд қилишган. Ҳозир кунда йиллик планнинг 1,5-2 процента миқдорида пахта тайёрлаётган участка аъзолари маррага эртароқ етишга ошиқишмоқда.

Далаларда 4 та ХВС унумли ишлаб турипти. Машиналар кучи билан мавсумда 220 гектар ернинг ҳосили териб олинади. Жаъми ҳосилнинг 90 проценти тайёрлов пунктларига қоп-қанорсиз етказиб берилади. Ҳозир 6 та прицеп ва 2 та автомашина шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

К. Бегмонов.

◆ ЎРТА ЧИРЧИҚ. Киров номли совхознинг коммунист Саидқул Арслонов бошлиқ бригадасида бу йил машина теримига кенг йўл очиб берилди. Жаъми 200 гектар майдоннинг 160 гектари машинасоп қилиб парвариш қилинди. Ҳозир шу майдонларда «зангори кема»лар жавлон урмоқда. Илғор механик-ҳайдовчилардан Ҳ. Илисбоев, Қ. Момиқовлар ўз агрегатларида ҳар куни 3—3,5 тоннадан ошириб пахта теришяпти. Бригадир Саидқул аканинг ўзи ҳам шу суворийлар сафида.

Гектаридан 29 центнердан хирмон кўтариш учун нурашаётган бригада коллективи терим суръатини сира бўшаштирмаяпти.

С. Хайтқулов.

ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ

Терим бошланишидан аввал кўпмингкилограммчиларнинг йиғилиши бўлганди. Бу йиғилишда колхозчилар бирин-кетин сўзга чиқиб, ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олган эдилар.

Бешинчи бригаданинг аъзоси Сора Авезова мавсумда 12 тонна «оқ олтин» теришга ваъда берди ва ўз тенгқурларини социалистик мусобақага чақирди.

Ана шундан бери салкам бир ярим ой вақт ўтди. Сора Авезова теримда жавлон урди. У ҳар куни далага барвақт чиқиб неч қайтади. Кунига 200 килограммдан пахта теришга одатланди.

Натижада қисқа вақт ичида 9 минг килограммга етказиб «оқ олтин»терди. Ўртоқ Авезова бу меҳнати эвазига 300 сўмга яқин пул олди ва қимматбаҳо буюмлар билан мукофотланди.

— Мен, — дейди у, — ваъдамнинг устидан чиқиш учун бундан кейин ҳам янада астойдил меҳнат қиламан.

Колхозчи Манзура Мансурова ҳам 10 тонна пахта териб бериш учун аҳди-паймон қилган эди. Шу кунларда унинг қўли-қўлига тегмайди. Кунига хирмонга қанор-қанор пахта тўнмоқда. У ҳозиргача 8 минг килограммга яқин пахта терди.

Теримчилар ўртасида мусобақа борган сари авжга чиқмоқда. Малика Мирзамаҳмудова, Ғунчала Усмонова ваби ўртоқлар ҳам ваъдага вафо қилиб, кунига 180—190 килограммга етказиб «оқ олтин» теришяпти.

Колхоз правленниеси илғор теримчиларни ҳар тарафлама рағбатлантириб турибди.

Колхоз аъзолари Улуғ Октябрь байрами кунигача ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятни бажариш иштиёқи билан кундан-кунга самарали меҳнат қилмоқдалар.

А. АБДУҚАҲҲОРОВ,
Янгийўлдаги Навоий номли колхоз.

Суратда: колхоз раиси ўртоқ Ем Ен Ман (чапдан учинчи) бир группа илғор лубкорлар билан «кўк олтин» пайкалида суҳбатлашмоқда.

А. Губенко фотоси.

АСЛ ДЕҲҚОНЛАР

Халқимиз «ишлаган — ерни яшатар, ишламаган — қақшатар» деб бечиз айтмаган. Яхши деҳқоннинг меҳнати сингса ёмон ер ҳам яшнаб кетади. Бунга бир мисол келтирмоқчимиз. Ўрта Чирчиқдаги Калинин номли колхоз бир неча йилларидан буён қолоқликдан чиқолмай келаётган эди. Хирмоннинг унуми бўлмагач, планлар тўлмагач чекка-чеккадан колхоз деҳқонлари шаънига аччиқ-аччиқ гап айтишар эди. Колхозчилар ҳам, раҳбарлар ҳам доимо ер чизиб қолишарди. Бу ҳол деҳқонларга қаттиқ ботди. Улар энди ишга астойдил киришишга, колхозни қолоқликдан чиқариб илғорлар даражасига етказишга астойдил бел боғлашди. Ҳамманинг фикри-зикри юксак маррага, баракали хирмон етиштиришга қаратилди.

Етти йилликнинг бешинчи йилини, улар «қолоқликдан чиқиш йили» деб эълон қилдилар. Эрта баҳорда кўнгилдагидек қилиб тайёрланган 1402 гектар майдонга чигит экилди. Ўтган йилги 150 гектар ўрнига 300 гектар ерга каноп уруғи экилди. Деҳқонлар пахтадан ҳам, каноп дан ҳам, шолидан ҳам, бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан ҳам мўл ҳосил етиштиришни кўзлаб ишга астойдил киришдилар. Бу ерда экинлар қандай парвариш қилинганлиги тўғрисида батафсил гапириб ўтирмаймиз. Колхознинг асл деҳқонлари дала ишларининг ҳаммасини ҳам оби-тобида кўнгилдагидек қилиб бажаришди.

Олтин кузга келиб пайкалларда етишган ҳосил чунонам мўл, чунонам баракали бўлдики, бундан деҳқонлар ўзларида йўқ қувонишди. Пахта барвақт пишиб етилди. Дастлабки кунларданоқ йиғим-терим авжига минаборди. Мана энди колхоз пахтакорлари йил бўйи кўзлаб келган марраларига етай-етай деб қолдилар. Эрта-индин улар «пахта тайёрлаш йиллик планини бажардик» деб ғалаба рапорти берадилар.

Колхоз лубкорлари эришган ғалаба ҳаммани беҳад қувонтириб юборди. Ҳаммаёқда дув-дув гап: «Калинин номли колхоз каноп пояси сотиш йиллик планини 160 процентдан ошириб юборибди, энди икки юз процентга етказишармиш». Ҳа, бу гап ўринли. Ҳақиқатан ҳам лубкорлар озмунча ҳосил етиштиришмади. Белгиланган планга кўра ҳар гектар ердан ўртача 92 центнердан каноп пояси ўриб олиниб, давлатга 2300 тонна «кўк олтин» сотилиши керак эди. Аслида эса луб заводига 3700 тоннага яқин юқори сифатли каноп пояси жўнатилди. Бу қимматли экиннинг ҳосилдорлиги 130 центнердан анча ошириб юборилди. Ҳали далада ҳосил кўп. Лубкорлар ўз имкониятларини аниқ ҳисоблаб чиқдилар. Яна минг тоннага яқин каноп пояси сотишга, ҳосилдорликни 170 центкерга етказишга қатъий сўз берилди. Шу кунларда луб заводи томон йўл олган «кўк олтин» карвонининг кети узилмаяпти.

Колхозда шундай асл деҳқонлар борки, уларни қанча мақтасанг камлик қилади. Мана, ўртоқ Ли Дин Ман бошлиқ бригада деҳқонларини олиб кўрайлик. Улар ҳам пахтадан, ҳам каноп дан юқори ҳосил етиштиришди. Ҳозиргача давлатга пландаги 184 тонна ўрнига 524 тонна каноп пояси сотиб, йиллик планни 241 процент ado этишди. Қаранг, қандай яхши кўрсаткич-а! Қани энди ҳамма деҳқонлар ҳам шундай кўрсаткичга эришишса. Бригадада каноп ҳосилдорлиги 200 центнерга етказилди. Лубкорлар яна 100 тонна ҳосил сотишмоқчи.

Ўртоқ Абдурашид Оқбоев бошлиқ бригада аъзоларининг ютуғи ҳам чакки эмас. Бригадада 51 деҳқон ишлайди. Ана шу 51 деҳқон 128 гектар ерда пахта, 19 гектар ерда каноп пояси, 26 гектар ерда шоли етиштирди. Ҳар уччала экиндан ҳам жуда юқори ҳосил кўтарилаяпти. Шу кунга қадар давлатга 293 тонна каноп пояси сотилиб, йиллик план иккам икки юз процентга етказилди.

— Билмаган ўртоқлар бизни энг тажрибали лубкорлар деб ўйлашса керак,— дейди бригадир ўртоқ Абдурашид Оқбоев,— йўқ, лубкорлик билан фақат шу бу йилдан бошлаб шуғулланаяпмиз. Ҳали бу соҳада етарли тажрибамиз йўқ. Лекин ҳамма нарсани тажрибага боғлаб қўйиш ҳам бўлмайди. Кўп йиллик тажрибанг бўлса-ю, ким меҳнат қилсанг, барибир хирмонингга барака кирмайди. Биз меҳнат, фақат меҳнат билан шундай ютуққа эришдик. Луб экинини кўнгилдагидек парвариш қилишда бизга колхозимиз агрономи яқиндан кўмаклашди. Ўзининг қимматли маслаҳатларини аямади. Луб плани икки баравар ошириб бажарилган ҳозирги дамларда биз куч-қувватини сира аямай меҳнат қилган азамат деҳқонларимиз билан ҳақли равишда фахрланаяпмиз

Бригадир ҳақ гапни айтди. Ахир Ван Ван Хва, Ван Дя Мин, Иван Сун, Лян Тин Дян сингари тоғни урса талқон қиладиган асл деҳқонлар билан фахрланмай бўладими?! Колхозда 13 та бригада бор. Ана шу бригадаларнинг ҳаммасида ҳам каноп пояси сотиш плани камида 150 процентдан бажарилди. Колхоз раиси ўртоқ Ем Ен Ман деҳқонларнинг бу йилги ишидан ғоят мамнун. Мана унинг гаплари: «Ўзбекларнинг «Меҳнатдан келса бойлик, турмушинг ҳам чиройлик» деган мақоли менга жуда ёқади. Ҳақиқатан ҳам шундай-да. Ишлаб топган пулинг турмушингни чиройли қилиб юборади. Бизнинг қолоқ колхозимиз меҳнат орқасида кўтарилаяпти. Бу йил деҳқончиликдан оладиган даромадимизни илгариги йиллардагига сира таққослаб бўлмайди. Пахтачиликдан 1 миллион 100 минг сўмдан кўпроқ даромад олишни мўлжаллаб турибмиз. Лубкорликдан келадиган даромаднинг ўзи 700 минг сўм бўлишини ҳисоблаб чиқдик. Бундан кўриниб турибдики, тер тўкиб меҳнат қилган деҳқонларимизнинг турмуш даражаси ҳозиргидан ҳам яхшиланади!».

Офарин сизларга, Калинин номли колхознинг асл деҳқонлари!

Ш. ШОРАҲМЕДОВ.

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

СОВЕТ КОСМОНАВТЛАРИ ШОТЛАНДИЯДА

ЛОНДОН, 17 октябрь. (ТАСС). Америка мамлакатларига қилинган сафардан қайтиб келаётган совет космонавтлари Юрий Гагарин ва Валентина Терешкова тушган совет самолёти бугун Шотландиянинг Престуик аэродромига келиб қўнди. Пресс Ассошиэйшн агентлигининг хабарида айтилишича, Шотландия — СССР жамиятининг делегацияси Престуик аэродромида совет космонавтларини табриклаб кутиб олди.

ЖАЗОИР—МАРОКАШ МОЖАРОСИ

ЖАЗОИР, 17 октябрь. (ТАСС). Мамлакат бошига тушган ҳозирги оғир кунларда депутатлар халқ билан бирга ҳаракатдаги армия сафларида бўлишлари учун Жазоир парламентининг бундан буёнги мажлисларини тўхтатиш тўғрисида кеча Миллат мажлисининг фавқулодда йиғилишида қарор қабул қилинди.

Бошқа кўп депутатлар каби Бин Белла ҳам йиғилишга ҳарбий формада келди. «Ҳозир,— деди у депутатларга мурожаат қилиб,— бу формани биродарларимизнинг кўпчилиги кийиб юрибди, Миллат вакиллари халқ оммасининг олдинги сафида бўлишлари лозим деб ҳисоблайман».

Марокаш—Жазоир чегарасидаги кейинги воқеалар муносабати билан Жазоир ҳукумати бир қанча қатъий чоралар кўрди. Кеча жанг ҳаракатлари бўлаётган районга ҳарбий мадад етиб борди. Қўшинларни тезроқ юборибмиз турмоқ учун (энг яқин темир йўл ҳарбий ҳаракатлар бўлаётган райондан 300 километр нарида) ҳукумат Саура департаменти аҳолисига мурожаат қилиб, ўз қўлингиздаги автотранспортни маҳаллий ҳукумат маъмурлари ихтиёрига бериб қўйингиз, деб илтимос қилди.

Жазоир ҳукумати Жазоир—Марокаш можаросини тинч йўл билан ҳал қилиш чораларини кўришни давом эттирмоқда. Бироқ, Марокашда Бин Белла вакиллари билан Ҳасан II ўртасида бўлаётган музокаралар ҳозирча натижа бергани йўқ.

* * *

ҚОҲИРА, 17 октябрь. (ТАСС). Араб мамлакатлари иттифоқининг бош секретари Ҳолиқ Хасуна, Жазоир—Марокаш можаросини муҳокама қилмоқ учун Араб мамлакатлари иттифоқи кенгаши эртага махсус мажлис ўтказади, деб айтди.

Террор ва зулм режими

ЛИМА, 17 октябрь. (ТАСС). Эквадордан олинган хабарлардан маълум бўлишича, бу мамлакатда террор ва зулм режими ўрнатилган. Жуда кўп одамлар қамоққа олинмоқда. Эквадорлик ватанпарварлардан бир мингга яқин киши турмаларда азоб тортмоқда. Маҳбуслар қаттиқ қийноққа солинмоқда. Ватанпарварлардан бир неча киши ўлдирилди.

Давлат тўнтариши натижасида ҳокимиятни қўлга олган ҳарбий хунта бир неча университетни, шунингдек бир қанча газета ва журналларни ёпиб қўйди. Эквадорнинг касаба союз ташкилотлари таъқиб қилинмоқда.

ГФР КАНЦЛЕРИ Л. ЭРХАРД

(СПРАВКА)

Людвиг Эрхард 1897 йил 4 февралда Фюрт шаҳрида (Бавария) туғилди. Эрхард 1924 йилда Франфурт университетини тамомлаганидан сўнг унга юридик ва иқтисоий фанлар доктори унвони берилди. 1930 йилдан 1942 йилгача у Нюрнбергдаги Коньюнектура тадқиқотлари институтига бошчилик қилди, 1942 йилда саноат тадқиқотлари институтига раҳбар бўлди, 1945 йил октябридан 1946 йилнинг декабрига қадар Эрхард Бавария хўжалик министри бўлиб ишлади. 1947—1948 йилларда у Германиянинг Ғарбий оккупация зоналарида пул реформаси ўтказишни тайёрлаган кредит-молия бошқармасига бошчилик қилди. 1948—1949 йилларда Эрхард Англия-Америка Бирлашган зонаси (Бизония) хўжалик бош бошқармасига директор бўлди. 1949 йилнинг сентябрида К. Аденауэр тузган ҳукуматда Эрхардга хўжалик министри лавозимини таклиф қилинди, ҳозирги вақтга қадар у ана шу лавозимни эгаллаб келди. 1949 йилдан бери у христиан-демократик иттифоқдан бундестагнинг депутатидир. Эрхард 1957 йилнинг 30 октябридан бошлаб Германия Федератив Республикасининг вице-канцлери эди.

1952 йилнинг июль ойида Эрхард реконструкция ва ривожланиш халқаро банкининг Ғарбий Германиядаги бошқарувчиси қилиб тайинланди. У шунингдек иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, Европа иқтисодий ушмаси ва Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси раҳбар органларининг аъзоси ҳамдир.

Людвиг Эрхард 1963 йил 16 октябрда Германия Федератив Республикасининг канцлери қилиб сайланди. (ТАСС).

7-8 БАЛЛИК ЗИЛЗИЛА

МОСКВА, 17 октябрь. (ТАСС мухбири) 16 октябрда Москва вақти билан соат 18 дан 49 минут ўтганда, «Москва» Марказий сейсмик станцияси ўртача кучдаги зилзила бўлганлигини рўйхатга олди.

Совет Иттифоқи сейсмик станциялари материалларини дастлабки қайта ишлаш маълумотларига қараганда, зилзиланинг эпицентри Москвадан 3.300 километр узоқликда, Афғонистон— Покистон чегараси районидадир. Эпицентрда зилзиланинг кучи 7-8 балл бўлган бўлса керак.

Куба жароҳатларини тузатмоқда

ГАВАНА, (ТАСС). Довул оқибатларини тугатиш юзасидан бутун Кубада қизғин иш бормоқда. Ориенте вилоятида қутқариш ишлари давом эттирилмоқда. Ўша ерга тобора янги-янги юклар— озиқ-овқат, дори-дармон, кийим-кечак, пойафзал ҳар куни юбориб турилибди. Зарар кўрган районлар билан телеграф, радио ва телефон алоқаси деярли батамом тикланди. Транспортда тиклаш ишлари бошлаб юборилди.

Бутун мамлакатнинг ишчилари 12 октябрда ўз дам олиш кунларини зарар кўрганларга ёрдам бериш учун қўшимча ишлашга бағишладилар.

ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Республикамизнинг йирик саноат шаҳарларидан бири ҳисобланган Оҳангарон кўмир ҳавзасида аҳолига медицина хизмати кўрсатиш тобора яхшиланиб бормоқда. Ҳозирги кунда шаҳарда 770 ўринли ўнта касалхона бор.

Ҳукуматимиз медицина хизмати учун ҳар йили кўплаб маблағ ажратмоқда. Биргина Оҳангарон шаҳари бўйича 1962 йилда 1 миллион 300 минг сўм маблағ ажратилган бўлса, 1963 йилда бу сумма яна 200 минг сўмга ошди.

Даволаш муассасаларида ишлаётган врачларимизнинг деярлик кўпчилиги хотин-қизлар. Улар ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан беморлар ҳурматига сазовор бўлишяпти. Болалар врачлари ордени Муҳаббат Эшмуротова билан Н. Маҳмудова, Тошкент саноат область Советининг депутати, терапевт Фаина Шарипова ўртоқлар шулар жумласидандир.

Бундан бир неча йил муқаддам касалхоналарда медицина учун зарур бўлган аппаратлар етишмас эди. Ана шу важдан врачларимиз кўпинча қийналар эдилар. Республика соғлиқни сақлаш министрлиги, область ижроия комитети ва меҳнаткашлар депутатлари Оҳангарон шаҳар Совети ижроия комитети бу соҳада катта кўмак беришди. Касалхоналаримизга энди медицинага доир янги-янги аппаратлар билан таъминланди. Кенг экранли флорографик ва кўчма рентген аппаратлари беморларни даволашда хизмат қилмоқда.

Кейинги бир йил ичида «тез ёрдам» машиналари сони ҳам кўпайди. Яқинда беморларни ташийдиган яна 2 та енгил машина олинди.

Аҳолига медицина хизмати кўрсатишда участка врачларимиз ҳам ташаббус кўрсатишяпти. Шахтёр, Марказий посёлка ва Янги шаҳардаги участка врачларимиз аҳоли ўртасида тез-тез бўлиб, меҳнаткашлар учун медицинага оид темаларда лекциялар ўқишади, суҳбатлар ўтказишади. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумидан сўнг шаҳардаги саноат корхоналари, қурилишлар ва маҳаллалардаги аҳоли ўртасида медицина ходимларининг кучи билан 50 дан ортиқ суҳбат ўтказилди.

Шаҳар меҳнаткашларига қиш пайтида яна ҳам яхшироқ хизмат кўрсатиш ниятида бир мунча тадбирлар белгиланди. Даволаш муассасалари ремонти ўтган йилга нисбатан анча барвақт тугалланди. Беморлар билан жисмоний тарбия ўтказиб туриш учун алоҳида бинолар ҳам ажратилди.

Бундан буён ҳам шаҳаримиз меҳнаткашларига медицина хизмати кўрсатишни яхшилашга алоҳида эътибор берамиз. Катта-кичик медицина ходимларимиз ҳамиша халқ хизматида бўлишади.

Б. АҲМЕДОВ,
Оҳангарон шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири.

ХАРИДОРЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Кундан-кунга турмушимизнинг юксалиб, равноқ топиб бориши кишиларимизнинг юриш-туришида, муомаласида ва, қолаверса кийинишида ўз ифодасини топмоқда. Чиройли, бежирим тикилган уст-бош кийимлари кийиб юриш ҳам кишига алоҳида файз бағишлайди.

Мана шу мақсадда куни неча пойтахтнинг «Қизил тонг» фабрикасида «ҳаридорлар конференцияси» ўтказилди. Қатор тикув фабрикалари, модалар уйи ва савдо ходимлари иштирокида ўтказилган бу конференцияда харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, маҳсулот турларини кенгайтириш ва сифатини янада яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

Сўзга чиққан «Қизил тонг» фабрикасининг директори Ш. Аҳмадалиева ҳозирги кунда корхонада 169 турдаги эркак, аёл ва болалар устки кийимлари тикилаётгани ва бу маҳсулотлардан аҳолининг манзур бўлаётгани ҳақида мамнуният билан гапирди.

Модалар уйининг санъатшуноси Очаковская, «Узторгодежда»нинг бош товароведи Балашова ўртоқлар сўзга чиқиб, айрим фабрикаларда сифатсиз маҳсулотлар тикилаётгани ва натижада полкаларда чанг босиб ётгани ҳақида нуқтаи гапирдилар.

Конференция охирида тайёр кийимлар кўргазмаси бўлди.

М. НИЕЗБЕКОВА.

Қисқа сатрларда

● Вўстонликда радио ва телевизор, соат тузатиш, оёқ кийимлари тикиш устахоналари учун янги бинолар, шунингдек Искандар, Товоқсой посёлкаларида ва «Химик» совхозида автопавильонлар қурилди.

Э. Мусаев.

● Пойтахтнинг Охунбобоев майдонида янги уй-рўзғор буюмлари магазини очилди.

Ш. Сидиқхўжаев.

● КАЛИНИН. «Коммунизм» кол. хозида янги аптека ишга туширилди. У аҳолига намунали хизмат кўрсата бошлади.

Ю. Ахроров.

● Янгитдан ишга тушган 75-автобус маршрути Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ўзбекистон» колхозининг Ленин номли участкаси аҳолисини хурсанд қилди. Автобус Ленин участкаси билан «Победа» маданият ва истироҳат боғи оралигида қатнамоқда.

Н. Саъдуллаев.

Академик Р. Р. Шредер номидаги бағдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институтининг тажриба далаларида анордан мўл ҳосил етиштирилди. Суратда: институтнинг ходими ўртоқ Нина Киримчук етилган анорларни текшириб кўрмоқда.

Х. Ҳайитмуҳамедов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси)

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ

(Боши иккинчи бетда)

Ўзбекистон Композиторлар союзи фақат профессионал музика арбобларинигина эмас, шу билан бирга ижодкор ёшларни, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг, халқ театрларининг қатнашчиларини, консерватория студентларини, музика мактабларининг ўқувчиларини ҳам ана шу учрашувларда қатнаштириш режаларини тузиб қўйди.

Бир қанча атоқли композиторлар авторлик концертлари берадилар, заводларда, колхозларда бўладилар, радио орқали гапирадилар. Бу эса, декаданинг музика қисмида қатнашувчилар доирасини тағин ҳам кўпроқ кенгайтиришга имкон беради.

Рус адабиёти ва санъати декадаси кунлари Ўзбекистоннинг миллионлаб меҳнаткашлари учун чинакам маданият байрами бўлиб қолади, биз композиторлар учун эса, декада янги ижодий илҳом манбаи ҳам бўлади.

ҚЎЛНИ-ҚЎЛГА БЕРИБ

Ўзбек кинематографиясини, деди Ўзбекистон кинематография ходимлари союзининг раиси Латиф Файзиев, ёш жиҳатидан ҳам, ижодкорлигининг характери жиҳатидан ҳам рус кинематографиясининг укаси деса бўлади. Ўзбекистонда суратга олинган биринчи ленталардан тортиб, бизнинг бадиий ва ҳужжатли янги фильмларимизга қадар ўзбек киносининг бутун тарихи рус мастерларининг тажрибаси, традицияларидан, методлари билан чамбарчас боғланган.

Ўзбекистоннинг кино арбоблари орасида рус дўстларимиздан бевосита таълим олмаган бирон киши борми? Бу саволга жавоб бериш ҳам қийин, ҳам осон. Қийинлиги шундаки, юзлаб номларни санаб кўрсатишга тўғри келади... Осонлиги шундаки, бу саволга қисқа жавоб бериш мумкин: Москва, Ленинград ва Россиянинг бошқа шаҳарларидаги режиссёрлар, операторлар, рассомлар, драматурглар ҳаммамизга устозлик қилишган.

Социалистик реализмнинг самарали принциплари негизида ривожланаётган совет кино санъатининг ажралмас қисми бўлмиш ўзбек киносининг тарихини ёзганда Сергей Эйзенштейн, Всеволод Пудовкин, Иван Пирьев, Игорь Савченко, Александр Довженко, Виктор Шкловский, Роман Карменларнинг номини тилга олмаслик мумкин эмас.

Улуғ Ватан уруши йилларида Москва ва Тошкент кинематографчиларининг биргаликда ишлаганлиги ёш ўзбек киносанъатининг тарихида сўнмас из қолдирди. Ўша йиллари Леонид Пуков, Елена Кузьмина, Борис Андреев, Марк Бернес бирлашган студияда ишладилар. Ўзбек киносининг асосчиларидан бири бўлган Наби Ғаниев билан Михаил Роммнинг ажойиб дўстлиги ўша вақтда бошланди. Улкан устознинг маслаҳатлари режиссёр Н. Ғаниевга, оператор Д. Демуқиғга ва бир қанча талантли артистларга «Тоҳир ва Зуҳра» фильмини яратишларида ёрдам берди. Кенг томошабинлар оммасига манзур бўлган ва кино санъатининг энг яхши намунаси ҳисобланган бу фильмнинг принципиал аҳамияти шундаки, чинакам Шарқ шу фильм орқали экранда биринчи марта кўрсатилди.

К. Ерматов, Ю. Агзамов, З. Собитов, М. Қаюмов ва ўзбек киносининг бошқа мастерларининг ижодий биографиясида ҳам бундай эпизодларни топиш мумкин. Режиссёр Роман Григорьев ўзбек кино ҳужжатчилари билан бирга «Зангори олов кишилари», «Менинг Тошкентим» деган фильмларни суратга олди. Ўзбекистонда Россия Федерацияси кино санъатининг фестивали ўтказилаётган вақтда биз Тошкент студиясиларининг янги фильмлари — «Сен етим эмассан», «Пахта достони», «Самолётлар қўна олмади», «Фарғо налик беш йигит», «Салом, Баҳор» ва бошқа фильмлар билан меҳмонларни таништира оламиз.

Россия Федерациясидан келган дўстларимиз билан декада кунларида бўладиган учрашувнинг катта аҳамияти бор. Биз санъатни ривожлантиришнинг бир қанча проблемаларини бирга муҳокама қиламиз, ишлаб чиқарилган фильмлар тўғрисидагина эмас, шу билан бирга ҳозир яратилаётган, таҳрир қилинаётган, павильонларда суратга олинаётган асарлар тўғрисида ҳам дўстларимизнинг маслаҳатларини ва фикрларини эшитамиз. Бу учрашув замонимизга муносиб янги фильмлар билан экранни бойитишга ёрдам беради.

Барча қардош республикалар санъатининг намояндалари бўлган дўстлар билан қўлни-қўлга бериб ишлаш катта бахтдир.

УЛУҒ УСТОЗ

Биз,— деди Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениесининг раиси И. Икромов,—Россия Федерациясидан келаётган санъатдош ўртоқларимиз билан учрашишни сабрсизлик билан кутмоқдамиз. Бу учрашув бизга кўпгина фойдали сабоқлар беради. Ўзбекистон ва Россия тасвирий санъатини бойитишга хизмат қилади.

Биз Россия рассомлари билан қалин ва қардон дўстмиз. Юксак гражданлик ҳислари билан суғорилган, халқнинг фикр ва туйғуларини акс эттириб келган илғор рус тасвирий санъати барча ўзбек рассомларининг улуғ устозидир.

Москва ва Ленинграднинг ўқув юртлари кўпгина ўзбек рассомларига санъат олами учун йўлланма берган. Ўзбекистон халқ рассоми Р. Аҳмадов, рассомлар М. Саидов, Т. Оганесов, Н. Қўзибоев, ҳайкалтарош К. Салоҳиддиновлар ўша ўқув юртларида таълим олдилар. Ҳозир ҳам бир группа ёш рассомлар Москва ва Ленинградда ўқимоқда.

Ажойиб рус рассоми, педагог Павел Петрович Беньков ўз умрининг йигирма йилини Самарқандда ёш рассомларни тарбиялаш ишига бағишлади. Ўзбекистон ССР халқ рассоми Л. Абдуллаев, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби А. Абдуллаев, Р. Темуров, А. Розиқов ва бошқа рассомлар Беньковдан таълим олганлар. Кўпгина ўзбек рассомларининг биринчи муаллими бўлиб қолган Зинаида Михайловна Ковалевская Самарқандда П. П. Беньков билан ишлай бошлаган эди ва у ҳозир ҳам ўз ишини давом эттирмоқда.

Ўзбекистон халқ рассоми Ҳ. Икромов рассомлик маҳоратини рус рассоми В. И. Уфимцевдан ўрганди. У билан бирга Ўзбекистон театларида ишлади. Фақат сурат чизишнигина эмас, шу билан бирга полиграфия техникасини эгаллаб олган Ўзбекистон графикларининг иқоди Н. В. Левицкий сингари Россия Федерацияси мастерларинг бевосита таъсири остида ривожланди.

Россия рассомлари Ўзбекистоннинг табиатидан, бизнинг ажойиб кишиларимиздан илҳомланиб, кўпгина гўзал суратлар яратдилар. Машҳур рассомлар А. Пластов, Д. Шмаринов, Д. Суслов, С. Чуйков ўзларининг мольбертлари билан Ўзбекистонда кўп марталаб саёҳат қилганлар. Таниқли совет ҳайкалтароши Е. Вучетич Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларининг, пахта далалари меҳнаткашларининг бир қанча ҳайкал портретларини яратди. Ўзбек рассомлари ўз асарларида Россия табиатини акс эттирдилар. Ўзбекистон ССР халқ рассоми Урал Тансиқбоев Москва атрофидаги манзаралар суратини чизди.

Декадага атаб Ўзбекистон рассомларининг виставкаси очилади. Бу виставка рассомларимизнинг ҳозир кимлар устида иш олиб бораётганлигини Россиядан келган меҳмонларимизга ҳикоя қилиб беради. Бу — партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан ўтказилган учрашувидан кейин ижодимизнинг биринчи кўриги бўлади. Партия ва ҳукумат раҳбарлари билан бўлган учрашув халқ олдидаги масъулиятимизни янги куч билан англаб олишимизга ёрдам берган эди. Шуни айтиш керакки, кейинги вақтларда яратилган полотнолар бундан олдинги полотнолардан фарқ қилади. Совет киноси — пахтакор, олим, ишчи— рассомларнинг ижодида тобора марказий ўрин олмоқда, бадиий ижодкорликнинг чин қаҳрамонлари бўлиб қолмоқда. Урал Тансиқбоев, Р. Аҳмадов, К. Чепраков, Д. Ҳакимов, А. Абдуллаев ва бошқа рассомларнинг янги асарлари замондошимиз ҳақида ҳикоя қилади.

Плакат—тасвирий санъатнинг кенг кўпчиликка энг манзур бўлган ва тез таъсир ўтказувчи формаларидан биридир. Кейинги вақтда Ўзбекистон рассомлари ўзлари учун янги бўлган бу жанрда тузуккина муваффақиятларга эришдилар. Болтиқ бўйи шаҳарларида, Украинада ўтказилган виставкаларда бизнинг плакатларимиз қозонган муваффақият бунга далил бўла олади. Москва ва Ленинграддан келган устозлар бизнинг плакатларимизни кўриб ўз баҳоларини берсинлар, Ўзбекистонда шу жанрни ривожлантираётган рассомларимизга ўз маслаҳатлари билан ёрдамлашсинлар, деган ниятда биз декадага атаб Тошкентда плакатлар виставкаси очамиз.

Таниқли рус совет рассомлари М. Аникушин, А. Грицай, В. Цигаль, Н. Пономарев, Ю. Пименов, Н. Денисовский рассомларимизнинг ишларини бориб кўрадилар. Бундай бевосита алоқалар Ўзбекистон рассомлари ва ҳайкалтарошларига катта ёрдам беради.

Бу учрашув Ўзбекистон тасвирий санъатининг ҳамма жанрларини яна да ривожлантириш йўлида муҳим босқич бўлади, Ўзбекистон рассомларини ўз ижодларига тағин ҳам кўпроқ талабчанлик билан қараша, коммунизм қураётган халқни, унинг меҳнатини ўз ижодлари учун асосий объект қилиб олишга ўргатади.

ҲАММАМИЗНИНГ МУШТАРАК ИШИМИЗ

Баъзи бир воқеалар асло унутилмайдиган бўлиб қолади. Бугун биз, Ўзбекистон артистлари, деди Ўзбекистон театр жамияти правлениесининг раиси, СССР халқ артисти Олим Ҳўжаев, мана шундай воқеалардан бирини — Россиянинг саҳна усталари билан, ўзбек актерларининг биринчи устозлари ва муаллимлари билан учрашиш арафасида турибмиз.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Ўзбекистонда биринчи ҳаваскорлик труппалари тузилган эди, шулардан бири эса, 1924 йилда Маннон Уйғур бошчилигида актёрлик маҳоратини ўрганиш учун Москвага борди. Шу труппада Аброр Ҳидоятов, Етим Бобожонов, М. Муҳамедов ва бошқа кўпгина ҳаваскорлар бор эди. Ўша вақтнинг ўзида Вахтангов номидаги театр ҳузурида тузилган ўзбек театр студиясида ўқиш учун Л. Назруллаев, Ш. Қаюмов, С. Табибуллаев Бухородан Ватанимиз пойтахтига боришди. Ўз ҳаётини саҳнага бағишлашга қарор қилган ўзбек қизлари С. Эшонтўраева, З. Ҳидоятова, Т. Азимова, Т. Султонова Москвада илм олдилар. О. Басов, И. Толчанов, Л. Свердлин, Д. Захава, В. Канцель сингари катта устозлар ва ўткир педагоглар бўлажак актерларимизнинг биринчи муаллимлари бўлиб чиқди. Студияда уч йил ўқиш, мамлакатнинг энг катта театрлари бўлган Малий театри, МХАТни (Москва академик бадиий театрини). Вахтангов номидаги театрни бориб кўриш ўзбек артистлари учун ажойиб мактаб бўлди.

Рус драматурглари Н. Гоголь, А. Чехов, А. Островскийнинг классик асарлари ўзбек театрининг саҳнасида қўйилганлиги театримиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Орадан кўп ўтмай москволиклар Гамлетни ижро этган Аброр Ҳидоятовни олқишлар билан кутиб олдилар. Бу эса, рус реалистик театр санъати мактабининг намоялари, К. С. Станиславский идеяларининг ворислари тарбиялаган ўзбек актерларининг маҳорати эътироф қилинганлигидан далолат берди.

Ҳозирги кунда ўзбек театрларининг саҳналарида рус классик драматургларининг асарлари билан бир қаторда чет эл, Ғарб ва Шарқ ёзувчиларининг пьесалари ҳам қўйилмоқда. Ўзбекистон драматургияси қаддини рослаб олди ва замонавий темаларда бир қанча асарлар яратди. З. Фатхуллиннинг «Ернинг қони», Н. Сафаровнинг «Кимга тўй, кимга аза», Д. Файзийнинг «Атласхон», Ш. Саъдулланинг «Икки билакузук» асарлари ва бошқа асарларда замондошларимиз, меҳнат аҳиллари асосий қаҳрамон қилиб кўрсатилган.

Ҳозир Ўзбекистонда ўнлаб профессионал ва ҳаваскорлик театрлари ишлаб турибди. Эндиликда бу театрлар учун кадрлар фақат Россия шаҳарларидагина эмас, шу билан бирга Тошкентда ҳам тайёрланмоқда. Рус педагогларининг ёрдами билан Тошкентда ташкил этилган институтда бўлажак режиссёрлар, артистлар, рассомлар таълим олмоқдалар. Москва ва Ленинград, Куйбишев ва Оренбург, Сибирь ва Кузбасс ўзбек драма, опера, балет артистларини олқишлар билан кутиб олмоқда.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

19 ОКТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Кувноқ шанба** (болалар учун), 18.35 — Республика пахта далаларидан **дараклар ва Телевизион янгиликлар**, 18.50 — **Кечки Кишинёв** (фильм-концерт), 19.25 — **Чет эл кинохроникаси**, 19.35 — **Тилла тиш** номли киноповесть, 21.15 — **Реклама ва эълонлар.**

21.25 — **Эртанги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 21.30 — **Оталар сўзи-ақлнинг кўзи** (ота-оналар учун), 22.05 — **Республика пахта далаларидан дараклар ва Телевизион янгиликлар**, 22.20 — **Кино журнал**, 22.30 — **«Оқ олтин» нарвон-нарвон** (пахта далаларининг ёш илғорлари ҳақида эшиттириш ва бадиий ҳаваскорлар ижросида концерт).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/X да **Майсаранинг иши**, 20/X да кундуз **Доктор Айболит**, кечқурун **Мазепа.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/X да **Фурқат**, 20/X да **Алишер Навоий.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/X да **Ишқинг билан**, 20/X да **Икки билагузук.** Спектакль кеч соат 7 яримда бошланади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«15 оқ айиқ» аттракциони.** Ўргатувчи — **Семён Синицкий.** Кеч соат 7 яримда бошланади. Яшанба кунлари 3 мартадан томоша кўрсатилади.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Исёнчи — «ВАТАН» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2 ва кеч 8 да). «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч 6 гача).

Ё ҳаёт, ё ўлим — «ВАТАН» (кундуз соат 4, кеч 6 ва 10 да).

Тоғдаги застава (эрталаб соат 10 ва 11-40 минутда). **Бабетта урушга боради** (кундуз 1 ярим, 3-25 минут, кеч 5 ва 6-40 минутда). **Алло, номерда янглишибсиз** (кеч 8-20 минут ва 10 да)—НАВОИЙ номли.

Севги ва мода —«ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Тундаги қадамлар — «ВОСТОК» (эрталаб соат 11, кундуз 3, кеч 7 ва 11 да).

Герольштейндаги саргузаштлар —«КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 12 ва кеч 6 да).

Энг секин поезд — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қора ниқобда— «ВОСТОК» (кундуз соат 1, кеч 5 ва 9-15 минутда).

Нотаниш аёл хати —«ЎЗБЕКИСТОН» (кеч соат 6, 8 ва 10 да).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

1963/64 ЙИЛГИ

МУЗИКАЛИ ЛЕКТОРИЙ МАВСУМИ ОЧИЛАДИ

20 октябрь кундуз соат 1 яримда 4, 5, 6-синф ўқувчилари учун «Музикани севиб ўрган» абонементи бўйича

суҳбатли концерт

Тавур Хўжаевнинг **«Чолғу асбоблари ва овоз турлари»** деган темада суҳбати бўлади.

Концертда: Ўзбек давлат филармониясининг хор капелласи, бадиий раҳбари ва бош дирижёр —**А. Султонов**, СССР халқ артистлари **Тамарахоним, Саодат Қобилова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Коммуна Исмоилова, Қундуз Мирзаримова**, солистлардан **Сасон Беньяминов, Ҳадя Юсупова, Баҳром Мавлонов, Долорес Жаҳонгировалар** қатнашади.

Филармониянинг қилли квартети ва халқ чолғу асбоблари ансамбли жўр бўлади.

Куйбишев шоссе, 1-проезд, 31-уйда турувчи **Эдлен Васильевич Богданнинг** Вахш кўчаси, 4-уй, 1-квартирада турувчи Надежда Михайловна Богдан-Костовецкаядан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Калинин район, Куйбишев қишлоқ советидаги «Коммунист» колхозида турувчи **Маҳсума Қудратованинг** шу колхозда турувчи Соип Шариповдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район халқ судида кўрилади.

Титов кўчаси, 6-уй, 39-квартирада турувчи **Маҳмуд Маърипович Маъриповнинг** шу уйда турувчи Клавдия Алексеевна Маъриповадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Белинский кўчаси, 54-уйда турувчи **Райля Шамсутдинова Даминованинг** Анвар Абдурахмонович Ҳасановдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область судида кўрилади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 26232. Масъул секретарь — 34808. Секретариат — 31936. Идеология бўлими—25885. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими—33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 33786. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 24048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 11290. Индекс 64695. Нашр. № 1703.